



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 6 декабрь, № 256 (9151)


Шанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ҚАТЪИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ВА ТАШАББУСЛАР ЯНГИЧА МОДЕЛДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИНИ ТЎЛИҚ БАРПО ЭТИШ ИМКОНИНИ ЯРАТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 декабрь куни янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объектларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларининг қурилишини бошлашга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.



POWERING THE FUTURE  
SUSTAINABLE ENERGY FOR NEW UZBEKISTAN  
5 DECEMBER 2025



Тадбирда Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий, Туркия Республикаси энергетика ва табиий ресурслар вазири Алпарслон Байроқдор ва Озарбайжон Республикаси энергетика вазири Парвиз Шаҳбозов,

Қирғиз Республикаси энергетика вазири Таалайбек Ибраев, шунингдек, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Ислон тараққиёт банки ва бошқа молия институтлари, "ACWA

Power" (Саудия Арабистони), "Akse Enerji", "Cengiz Enerji" (Туркия), "Masdar" (БАА), "China Energy", "Datang", "Sinoma", "Poly", "CNTIC", "Eaglerise" (Хитой), "EDF", "Votalia", "TotalEnergies" (Франция), "Siemens Energy" (Германия) ва "Nebras

Power" (Қатар) вакиллари ҳам қатнашди. Янги объектлар — қарийб 11 миллиард долларлик 42 та энергия ишлаб чиқариш, сақлаш қувватлари ва бошқа инфратузилма иншоотлари — мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий энергетика тармоғи салоҳия-

тини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли стратегиянинг бир қисmidир. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида умумий қиймати 3,3 миллиард долларга тенг жами 3 минг 500 мегаваттлик 16 та қуёш, шамол, иссиқлик

ва гидроэлектр станциялари шулар жумласидан.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «БАРҚАРОР ЭНЕРГЕТИКА — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧЛИ ҚАДАМИ» МАВЗУСИДАГИ АНЖУМАНДАГИ НУТҚИ

Хурматли дўстлар! Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сизлар билан йирик генерация қувватларини ишга тушириш ва янгиликларга даст бериш маросимида учрашиб турганимиздан беҳад мамнунман.

Ишончли қадами — Янги Ўзбекистоннинг келажаги сари ишончли қадами деб номланган анжуманимиз нафақат энергетика тармоғи ривож, балки мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти йўлидаги яна бир улкан амалий қадам бўлади.

Бугун жадал суръатларда ўсиб бораётган иқтисодий оқим ва аҳолининг талаб ҳамда эҳтиёжидан келиб чиқиб, энергетика тизимида катта ислохотларни амалга оширялмиш. Биз бу йўналишда иккита муҳим мақсадга эришишни асосий вазифа қилиб белгиланмиш.

Биринчиси, барча тармоқ ва ҳудудлар учун ишончли ва узлуксиз энергия таъминотини йўлга қўйиш. Иккинчиси эса ана шу режамиз-

ни замонавий, экологик тоза ва қайта тикланувчи муқобил манбалар ҳисобидан амалга оширишдир.

Таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда энергетика тизимига 35 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинди ва 9 минг мегаватт янги қувватлар ишга туширилди. Натижада электр ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 60 миллиард киловатт-соатдан жорий йилда 85 миллиард киловатт-соатга етди. Эътиборли жиҳати, салкам 5 минг мегаваттлик қуёш ва шамол, 400 мегаваттлик гидроэлектр станциялари ишга туширилди. Жами генерация қувватларида "яшил" энергиянинг улуши бу йил 30 фоизга етказилди.

Бундан ташқари, хусусий сектор, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларида 2 минг мегаваттлик кичик қуёш панеллари ўрнатилди. Уларда шу йилнинг ўзида қўшимча равишда 2 миллиард киловатт-соатга яқин муқобил энергия ишлаб чиқарилди. Шу-

нингдек, ҳудудларда 69 минг километр электр тармоқлари, 14 мингта трансформатор ва юқори кучланлиш подстанциялар янгиланди.

Соҳадаги бундай ўзгаришлар маҳаллий корхоналар ривожига ҳам катта туртки бермоқда. Ушбу корхоналар томонидан янги қурилаётган электр станциялари ва тармоқларига йил бошидан буён 700 миллион долларлик қурилиш материаллари, металл конструкциялар, кабель ўтказгичлар, электр қурилмалари етказиб берилди, лойиҳалаш-инжиниринг ва қурилиш хизматлари кўрсатилди.

Биргина мисол. Норин каскад гидроэлектр станциясининг 38 мегаваттлик илк гидроэлектр станцияси тўлиқ маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда ишга туширилди.

Соҳа ривожига хизмат қиладиган қурилиш, электротехника ва сервис корхоналаримиз келгусида халқаро стандартларга жавоб берадиган йирик миллий компанияларга айланишига албатта ишончман.

(Давоми 2-бетда).

## ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 декабрь куни янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросим доирасида Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилмалар вазири Суҳайл ал-Мазруий, Туркия Республикаси энергетика ва табиий ресурслар вазири Алпарслон Байроқдор бошчилигидаги делегация, Озарбайжон Республикаси энергетика ва табиий ресурслар вазири Таалайбек Ибраев, Хитой Халқаро коммуникация маркази раиси Лун Юйсянь, Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, "ACWA Power" компанияси раҳбари Муҳаммад Абунайян бошчилигидаги Саудия Арабистони компаниялари делегациясини қабул қилди.

Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилмалар вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегация билан учрашувда БААнинг "Masdar" компанияси раҳбари Муҳаммад Жамил ал-Рамаҳий, "Etihad Water & Electricity" компанияси раҳбари Юсуф ал-Али ва "TAQA Water Solutions" компанияси раҳбари Аҳмад ал-Шамсий ҳам иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## Эътироф

## ЎЗБЕКИСТОНДАН ТАРАЛАЁТГАН ЭНЕРГИЯ

5 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объектларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларининг қурилишини бошлашга бағишланган тантанали маросимда иштирок этган хорижий инвесторлар мамлакатимизда яратилган сармоявий муҳит ҳамда энергетика соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга юксак баҳо бердилар. Хусусан, маросимда сўзга чиққан Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайян давлатимиз раҳбарига мурожаат қилиб, ўз фикрларини шундай баён этди:

— Президент жаноблари, Сиз инвесторларга миннатдорлик билдирманг. Ассинча, уларнинг барчаси Сизга раҳмат айтиши керак. Сиз инвесторларнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун ўзига хос муҳит яратдингиз. Биз сармоя киритаётган барча лойиҳалар доимо Сизнинг қўмагингиз билан амалга оширилади. Бунинг учун барча инвесторлар Сизга миннатдорлик билдирди. Бугунги кунда энергетика соҳасида амалга оширилаётган ва бугун ишга тушириладиган лойиҳалар Сиз ва ҳукуматингиз томонидан энергетика соҳасидаги ислохотларга катта эътибор қаратилаётганининг бевосита исботидир. Хар бир инвестор Сизнинг қўллаб-қувватлашингизни доимо ҳис қилади.

Президент Жаноби Олийлари, бутун дунё сиздан инвесторлар билан ишлашни ва инвестицияларни жалб этишни ўрганиши керак. Бу нафақат энергетика соҳасидаги лойиҳаларга, балки барча тармоқларга, мамлакатлар иқтисодийнинг бошқа соҳаларига тааллуқлидир.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари! Сиз амалга ошираётган ишлар, уларнинг натижалари билан муқаддас Ўзбекистон заминида яшаётган бутун халқ фахрланиши керак. Чунки ҳамма раҳбарлар ҳам, ҳамма давлатлар ҳам бундай натижаларни таъминлашга, бундай чуқур ислохотларни амалга оширишга қодир эмас.

Сизнинг ҳаракатларингиз ўсиб келаётган авлодга ўрнак бўлади. Ўзбекистон ёшлари — йигит-қизлари етакчи таълим масканларида тахсил олаётгани, халқро фан олимпиадаларида юксак натижаларга эришаётганини кўриб турибмиз. Буларнинг барчаси Янги Ўзбекистоннинг нақадар тўғри йўлдан кетаётганини кўрсатади. Улар сизнинг қўллаб-қувватлашингиз тўғрисида шундай муваффақиятларга эришмоқдалар. Бу ёшлар, албатта, ўзбек халқининг фахрига айланади. Бу эса илм-фан, таълим соҳаси ривожига нақадар катта эътибор қаратаётганингизни яққол кўрсатади.

Сизнинг раҳбарлигингизда Янги Ўзбекистонда, том маънода, инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Саккиз йил давомида мамлакатингиз олдинга катта қадам ташлади. Энергетика соҳасида билдирган барча фикрларингизга қўшилган ҳолда энергия давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичи эканини таъкидламоқчиман. Янги Ўзбекистоннинг асосий энергия манбаи эса бу — Сиз, хурматли Президент. Сиз илҳом манбаи бўлиб, бутун халққа ўрнак бўлиб келясиз. Сиз ўз кучингиз, билимингиз ва ғайратингизни аямасиз. Сиз нафақат ўз халқингизни, балки бошқа мамлакатлардаги ҳамкасбларингизни ҳам шундай глобал ислохотларни бошлашга илҳомлантирясиз.

Мен доимо эътибор берадиган иккита жиҳат бор. Ҳозир шунга эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана шу 8 — 10 йил ичида Сиз қилган ишлар, хурматли Президент, эришилган натижалар тарих саҳифаларига муҳрланди. Улар Ўзбекистон солномасига зарҳал харфлар билан ёзилади. Албатта, биз Ўзбекистон билан ҳамкорликда ишлашни давом эттиришга ҳамisha тайёриш ва бу биз учун катта шарафдир. Саудия Арабистонининг етакчи компаниялари ҳамда инвесторлари мамлакатингизга келиб лойиҳаларингизда иштирок этишга тайёр. Чунки бу ерда инвесторлар фаолияти учун барча қулайликлар яратилган.

Сизнинг жамоангиз бир мақсад йўлида бирлашди ҳаракат қилди. Мен жуда кўп хорижий мамлакатларда бўламан ва ҳар доими, ҳар қандай минбардан Ўзбекистонни мисол қиламан. Ўзбекистонга боринг, у мамлакатда яратилган сармоявий муҳит билан албатта танишинг дейман.

Мен Ўзбекистонга ёрқин келажак тилайман. Доимо дуо қиламиз: узоқ умр кўринг, токи Сиз ва Ўзбекистондан таралаётган энергия дунёнинг барча мамлакатларига таралиб турсин!

«Халқ сўзи».

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

## ОРТГА ҚАЙТМАС ИСЛОХОТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Нуриддин ИСМОИЛОВ,  
Олий Мажлис Қонунчи палатаси Спикери

### Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий харитаси

Ватанимиз тарихида беқиёс аҳамиятга эга бўлган сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арафасида туриб яна бир қарра амин бўлмоқдамизки, халқ иродаси, миллий қадриятлар ва умуминсоний ғояларни ўзида мужассам этган Асосий Қонунимиз бугун жамият ва мамлакатимиз тараққиётининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, янги тахрир билан киритилган барча ўзгаришлар

одамларимизнинг турмуш тарзида, кундалик ҳаётида яққол намён бўлмоқда. Конституция халқимиз манфаатлари ҳимоячиси ва истикболнинг ўзига хос ҳуқуқий харитасига айланган. Албатта, Янги Ўзбекистоннинг янгиланган Конституцияси ўтган даврда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини ҳам тубдан ўзгартирди. Аввало, Бош қомусимиз асосида 2024 йил 27 октябрь куни Қонунчилик палатасига сайлов Сайлов кодексиға мувофиқ умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва принциплар асосида бўлиб ўтди.

3

## ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ

Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

Бу йил мустақил давлатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 33 йиллигини кенг нишонлаймиз. Асосий Қонун миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, эришилган барча ютуқ ва марралар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирда қабул қилинган Конституцияси мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида тан олиш ҳамда жамиятда қонун устуворлигини амалда қарор топтириш йўлида сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди, десак, муболаға

бўлмайди. Ҳеч шубҳасиз, давлатимиз раҳбари асос солган тараққиётимизнинг янги босқичида жамиятда адолатни қарор топтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кенг камровли ва мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилмоқда.

4

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «БАРҚАРОР ЭНЕРГЕТИКА – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧЛИ ҚАДАМИ» МАВЗУСИДАГИ АНЖУМАНДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шу маънода, бугун ишга туширилаётган ва йилга 15 мингта трансформатор ишлаб чиқарадиган “Angren Energo” ҳамда 155 та гидроагрегат тайёрлаб берадиган “UzHydroPower” корхоналари катта истиқболга эга, десак, тўғри бўлади.

Қадрили меҳмонлар! Энергетика соҳасида эришяётган улкан ютуқ ва марраларимизда сизлар каби салоҳиятли инвесторлар ва ишончли шерикларимизнинг беқиёс хиссаси бор.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимизга катта сармоа киритаётган ва энг илгор технологияларни олиб келаётган Бирлашган Араб Амирикллари энергетика ва инфратузилмалар вазири Суҳайл ал-Маазурий жанобларига, Туркия Республикаси энергетика ва табиий ресурслар вазири Алпарслон Байроқдор жанобларига, Озарбайжон энергетика вазири Парвиз Шаҳбозов жанобларига, Қирғиз Республикаси энергетика вазири Таалайбек Ибраев жанобларига самимий миннатдорлик билдираман.

Шунингдек, Саудия Арабистонининг “ACWA Power”, Туркиянинг “Акса Енеҗи”, “Сенҗиз Енеҗи”, Бирлашган Араб Амирикллариининг “Masdar”, Хитойнинг “China Energy”, “Datang”, “Sinoma”, “Poly”, “CNTC”, “Eaglerise”, Франциянинг “EDF”, “Volterra”, “TotalEnergies”, Германиянинг “Siemens Energy” ва Катарнинг “Nebgas Power” компанияларига, бундан ташқари, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Ислон тараққиёт банки ва бошқа молия институтлари вакилларига чукр ташаккуримиз изхор этаман.

Азиз дўстлар! Бугун сизлар билан бирга соҳа ривожига жуда катта хисса қўшадиган, қарийб 11 миллиард долларлик 42 та янги қувват ва инфратузилма объектларини ишга туширамыз. Яна 21 та янги лойиҳа қурилишига старт берамиз.

Хусусан, худудларимизда жами 3 минг 500 мегаваттлик 16 та қуёш, шамол, иссиқлик ва гидроэлектр станциялари фойдаланишга топширилади.

Улар тўлиқ қувватда ишлаб бошлагач йилга 15 миллиард килловатт-соат электр генерация бўлади. Натижада келгуси йилда “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажминин 23 миллиард килловатт-соатга етказамиз. Эътибор беринг, бу — Ўзбекистон аҳолисининг йиллик электр энергия истеъмоли тўлиқ қопланади деганидир.

Энг муҳими, тоза энергия ҳисобига табиий газ сарфи салкам 7 миллиард кубометрга камаяди. Атмосферага 11 миллион тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинади.

Бугун 1 минг 245 мегаваттлик 10 та энергия сақлаш тизимини ҳам ишга туширяпмиз. Бу энергия энг кўп истеъмол қилинадиган тигиз вақтларда қўшимча 1,5 миллиард килловатт-соат электр энергиясини тармоққа узатиш имконини беради.

Ҳозир фойдаланишга топширилаётган 11 та йирик подстанция ва 420 километр юқори кучланишли тармоқлар тизимининг барқарор ишлашига хизмат қилади.

Хурматли тadbир иштирокчилари! Албатта, биз эришган натижаларимиз билан тўхтаб қолмаймиз. Келгуси 5 йилда 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ҳисобидан минглар саноят ва инфратузилма объектларини ишга тушириб, юқори даромадли иш ўринларини яратамиз.

Аҳолига қўлай шарт-шароит яратиш учун “Янги Ўзбекистон” массивлари ва бошқа худудларда 800 мингдан ортқ хонадонли, энергия тежамкор кўп қаватли уй-жойлар барпо этилади.

IT, сунъий интеллект ва “бююмлар интернети” каби янги йўналишлардаги компанияларга жозибадор муҳит яратиш учун замонавий супер компьютер кластери ва дата-марказлар сонини кўпайтирамыз.

Айни пайтда Саудия Арабистонининг “DataVolt” компанияси 3 миллиард долларлик инвестиция ҳисобига 500 мегаваттлик дата-марказ қуриш бўйича ишларни бошлаганини айтиб ўтмоқчиман.

Бундай кенг қўламли ишларимиз электр энергиясига бўлган талаб ва эътиёжни камида 1,5 баробарга оширади. Шу боис яқин келажақдаги режаларимизга қисқача тўхталиб ўтаман.

Биринчидан, электр энергиясига ошиб бораётган эътиёжни қоплаш учун 2030 йилгача қўшимча 17 минг мегаваттдан ортқ қайта тикланувчи энергия қувватлари ишга туширилади.

Натижада “яшил” энергиянинг жами генерациядаги улушини 54 фоизга етказамиз. Бугун Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида қиймати 3 миллиард 300 миллион доллар бўлган 3,5 минг мегаваттлик “яшил” қувватларга старт берилаяётгани бу йўлдаги катта қадам бўлади.

Янги қувватларни ягона энергия ти-

зимига боғлаш учун юқори кучланишли 6 минг километр тармоқлар тортилади. Хусусан, келгуси йилнинг ўзида 1 минг километр тармоқлар ўтказилиб, подстанцияларда 6 минг мегаватт қўшимча қувватлар яратилади.

Иккинчидан, биз электр энергияси генерацияси йўналишидаги ислохотларимиз натижасида соҳага хорижий сармояларни давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри жалб этишда катта тажриба орттирдик.

Жорий йилдан нафақат электр энергиясини ишлаб чиқариш, балки уни истеъмолчиларга етказиб беришда ҳам хусусий шериклик тамойилларини қўллашни бошладик. Хусусан, Самарқанд худудий электр тармоқларини хусусий бошқарувга бериш бўйича Туркиянинг “Акса Elektrik” компанияси билан келишувга эришдик. Ушбу компания лойиҳа доирасида тармоқни операцияни бошқарувга олиб, инвестиция киритади, тармоқларни модернизация қилади, йўқотишларни босқичма-босқич 2 баробарга камайтиради. Натижада ҳар йили ўртача 20 миллион доллар тежалади.

Шундай тажриба асосида келгуси йилда Жиззах ва Сирдарё, 2027 йилда Наманган ва Тошкент вилоятлари электр тармоқлари бошқарувини ҳам инвесторларга тақлим этамыз.

Учинчидан, аҳолининг муқобил энергия манбаларидан фойдаланишини қўлаб-қувватлаш бўйича ишларимизни жадал давом эттирамыз.

Янги йилда Хитой тажрибаси асосида 300 та маҳалла худудида аҳоли билан кооперация орқали 107 мегаваттлик қуёш станциялари ўрнатилади. Бу ижтимоий лойиҳа кенг жорий этилиб, 30 мингта камбағал оилага “яшил” энергия кириб боради. Улар ўз эътиёжидан ортқча электр энергиясини тармоққа узатиб, даромад топади.

Тadbиркорларимиз ҳам сув ресурсларидан унумли фойдаланиб, бу йил 40 мегаваттлик кичик ва микроГЭСлар қурдилар. Натижада 120 миллион килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади ва улар қўшимча даромад манбаига эга бўлишиди.

Келгуси йилда 65 мегаваттлик кичик ва микроГЭСлар барпо этилади. Ушбу лойиҳалар ҳисобига 80 мингта хонадонда электр таъминоти тубдан яхшиланади.

Тўртинчидан, яқинда Бразилияда ўтган “COP-30” иқлим конференциясида биз ўз ташаббусимиз билан Париж

битими доирасида муҳим мажбуриятни зиммамизга олдик. Яъни 2035 йилгача зарарли газлар эмиссиясини 50 фоизга қисқартиришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Бу борада Жаҳон банки билан дунёда илк инновацион “iCraft” лойиҳасини бошладик. Унинг доирасида Ўзбекистон томонидан камайтирилган 23 миллион тонна “иссиқхона газини” ҳисобга олинди. Бунда карбон кредити тизимини йўлга қўйиб, халқаро даражада углерод бирликларини савдосини амалга оширишга киришдик.

Таъкидлаш ўринлики, шу йилнинг ўзида 17 та йирик саноят корхонами “яшил” энергия бўйича халқаро сертификатлар тизимига ўтди. Улар ишлаб чиқаришининг 30 фоизини “тоза” энергияга ўтказгани ҳисобига халқаро бозорларда махсулотларининг жозибадорлиги кескин ошмоқда. Келгуси икки йилда бундай корхоналарнинг сонини 100 тага етказамиз.

Бешинчидан, сўнгги йилларда генерация қувватларини сезиларли равишда кўпайтирганимиз ҳисобига қўшни давлатлар билан ягона энергетика бозорини яратиш бўйича шерикликни мустақамладик.

Минтақамизнинг гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиб, биргаликда бошқариш мақсадида келгуси йили Қирғизистон ва Қозғистон билан “Камбарота ГЭС-1” лойиҳасини молиялаштиришга киришамиз.

Шу ўринда Европага электр энергиясини экспорт қилиш бўйича “яшил йўлак” лойиҳаси доирасида яқиндан ҳамкорлик қилаётган Озарбайжон ва Қозғистон раҳбариятининг қатъий саяё-ҳаракатларини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Қадрили иштирокчилари!

Биз бугун ишга тушираётган барча лойиҳалар иқтисодий ўсишни таъминлаб, келажақ авлодларимиз учун янги имкониятлар эшигини очади. Бундай жадал ҳаракатларимиз ва ташаббусларимиз билан биз янгича моделдаги замонавий энергетика тизимини албатта тўлиқ барпо этамыз.

Сўзимнинг якунида маъқур лойиҳаларда фаол иштирок этаётган энергетика соҳаси вакиллари, барча ишчилар, муҳандислар ва хорижий ҳамкорларимизга аян бир бор самимий миннатдорлик билдираман.

Барчанингаси сийҳат-салооматлик, улкан куч-ғайрат ва омадлар тилаб қоламан.

# ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Учрашув аввалида вазир мамлакатимиз етакчисига БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён, Бош вазири, Дубай амира Шайх Муҳаммад Ол Мактум, вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён ҳамда Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Шайх Халид Ол Наҳаённинг саломини етказди.

Ўзбекистон — БАА дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳамкорлик барча йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар ва авиақатновларнинг сони барқарор ошиб бормоқда. Лойиҳалар портфели 20 миллиард долларга етган.

Транспорт-логистика, озик-овқат, конметаллургия, энергетика ҳамда бошқа устувор йўналишлардаги лойиҳаларни тайёрлаш ва илгари суриш чора-тадбирлари қўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда энергетика соҳасида биргина “Masdar” компанияси билан Ўзбекистон худудларида 1,5 миллиард долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилди.

Бугун Бухоро вилоятида навбатдаги қуёш электр станцияси ва энергия сақлаш тизими ишга туширилди. Қашқадарё вилоятида 600 миллион доллардан зиёд қийматдаги шундай иншоотлар қурилиши бошланди.

БАА компаниялари раҳбарлари Президентимизга шамол электр станцияси ва энергия сақлаш қувватлари, гидроэлектр станцияларини барпо этиш режалари ҳамда тозалаш иншоотлари қурилишининг бориши тўғрисида маълумот берди.

Туркия Республикаси энергетика ва табиий ресурслар вазири Алпарслон Байроқдор бошчилигидаги делегация билан учрашувда Туркиянинг етакчи “Акса Енеҗи” компанияси раҳбари Жамил Казанчи ва “Сенҗиз Енеҗи” компанияси раҳбари Аҳмет Чингиз ҳам иштирок этди.

Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг салом ва самимий тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама ҳамкорликда юксак даражада эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари, қўшма корхоналар сони, тўғридан-тўғри авиақатновлар кўпаймоқда.

Туркия компанияларининг мамлакатимиздаги самарали фаолияти, улар билан биргаликда умумий қуввати 1,8 гигаваат бўлган 1 миллиард долларлик замонавий муваффақиятли амалга оширилгани алоҳида таъкидланди.

Энергетика ва геология соҳаларида, шу жумладан, замонавий технологияларни маҳаллийлаштириш, энергетика ускуналарини ишлаб чиқариш, тақсимлаш тармоқларини бошқаришни тақомиллаштириш, истиқболли конларни биргаликда ўзлаштириш ва соҳа учун кадрлар тайёрлаш бўйича янги кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Озарбайжон Республикаси энергетика вазири Парвиз Шаҳбозов билан учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг самимий салом ва илик тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклиги ва иттифоқчилигини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Барча даражалардаги алоқалар фаол экгани, товар айирбошлаш барқарор ўсаятгани ва энергетика соҳасида муваффақиятли ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Нефть ва газ соҳаси, геология-қидирув ишлари, “яшил” энергияни ривожлантириш ҳамда кимё соҳасида қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Қирғиз Республикаси энергетика вазири Таалайбек Ибраев билан учрашув аввалида олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг самимий саломини етказди.

Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини, шу жумладан, энергетика соҳасида янада мустақамлаш масалалари қўриб чиқилди.

Икки томонлама муносабатлар юқори суръатда ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш 17 фоизга ошди, юқ ташин ҳажми ортиб бормоқда. Иқтисодийнинг устувор тармоқларида кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Энергетика соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Электр энергияси барқарор етказиб беришда ва транзит қилинмоқда, “яшил” энергетикада истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон етакисини сув энергетикаси соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, минтақавий аҳамиятга молик қўшма лойиҳаларни, энг аввало, “Камбарота ГЭС-1”ни қуриш лойиҳасини самарали илгари суриш муҳим эканини таъкидлади.

риш ва маданий-гуманитар алоқаларни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Марказ мамлакатимизнинг Хитой билан кўп қиррали ҳамкорлигини мустақамлаш катта хисса қўшаётгани қайд этилди.

Биргаликда инфратузилмани ривожлантириш, инвестициялар ва “яшил” саноятда қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Геология ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида умумий қиймати 1 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Таълим, фан, маданият ва туризм соҳаларидаги фаол алоқивулварни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

1984 йилда ташкил этилган марказ дунёнинг 160 дан ортқ мамлакатлари билан маданий, илмий ва маърифий алоқалар ўрнатган. Учта халқаро ваколатхонаси мавжуд.

Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан музокаралар давомида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, энергетика соҳасида замонавий технологиялар ва муҳандислик ечимларини жорий этишга қаратилган ўзаро манфаатли кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Хитой компанияларининг Ўзбекистонда лойиҳалар амалга оширишга қизиқиши ортб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Биргина жорий йилда Хитойдан 15 миллиард доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган, қўшма лойиҳаларнинг умумий портфели эса қарийб 90 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Кўп қиррали ҳамкорлигининг муҳим йўналиши сифатида энергетика соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Хитойлик шериклар иштирокида умумий қуввати қарийб 10 гигаваат, қиймати 9 миллиард доллардан ортқ 30 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бугун қўшимча равишда қарийб 2 миллиард долларлик 14 та лойиҳа ишга туширилди.

“China Datang” компанияси президенти Чжоу Юаньлун билан мавжуд фотозлектр станцияларини кенгайтириш, янгиларини қуриш ва қўшимча сақлаш қувватларини барпо этиш режалари муҳокама қилинди.

Компаниянинг кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот лабораториясини очиш, қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачиликда қайта тикланадиган энергия технологияларини жорий этиш бўйича ташаббуслари қўлаб-қувватланди.

“China Energy Engineering Corporation” компанияси раҳбари Сюй Лю билан сўзба-сўз мамлакатимиз худудларида қуёш электр станциялари ва энергия сақлаш тизимларини қуриш бўйича қўшма саяё-ҳаракатлар юқори баҳоланди.

Муқобил энергетика ва юқори кучланишли тармоқларни ривожлантириш лойиҳаларини илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

“Sinoma Energy” компанияси раиси Мэн Цинлинь шамол электр станцияси ҳамда шамол турбиналари учун парраларни маҳаллийлаштириш учун завод қурилишининг бориши ҳақида ахборот берди. Шунингдек, кимё ва қурилиш саноятда чиқиндиларни тозалаш бўйича компания тақлим этаётган технологик ечимлар юзасидан фикр алмашилди. Ушбу лойиҳаларга доир ишларни жадаллаштириш зарурилиги таъкидланди.

“Universal Energy” компанияси бош директори Нан Йи билан мамлакатимиз худудларида шамол электр станциялари қурилишини жадаллаштириш чоралари муҳокама қилинди.

“China General Technology” компанияси директорлар кенгаши раиси Кан Хубяо билан янги ишга туширилган когенерация станциясини самарали ишлатиш муҳокама қилинди. Компаниянинг Ўзбекистондаги инвестиция фаолиятини кенгайтириш бўйича келишувга эришилди.

Давлатимиз раҳбари “Poly Changda Engineering” компанияси бош директори Мяо Цзечуннинг келгуси йилда бугун ишга туширилган қуёш электр станциясининг мантқиқ доамили сифатида энергия сақлаш тизимини қуриш бўйича режаларини қўлаб-қувватлади.

Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, “ACWA Power” компанияси раҳбари Муҳаммад Абуньяан бошчилигидаги Саудия Арабистони компаниясини делегациясини билан учрашувда томонлар амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва устувор қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш масалаларини муҳокама қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон “яшил” энергетика соҳасининг стратегик инвестори ҳисобланган “ACWA Power” компанияси билан самарали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Бугун бир нечта қўшма лойиҳаларни ишга тушириш маросими бўлиб ўтди: 752 мегаватт қувватга эга 4 та шамол электр станцияси электр тармоғига уланди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида умумий қуввати 2,3 гигаваатни ташкил этадиган 5 та электр станцияси ҳамда 300 мегаваттлик энергия сақлаш тизимининг қурилиши бошланди.

Бундан ташқари, Самарқанд вилоятини Тошкент вилояти билан ва Қорақалпоғистон Республикасини Бухоро вилояти билан боғлайдиган умумий узунлиги 1790 километрлик 500 киловольт кучланишли электр узатиш тармоғини барпо этиш бошланди.

Учрашув давомида энергетика ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳалардаги кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

# КАТЪИЙ САЪЁ-ҲАРАКАТЛАР ВА ТАШАББУСЛАР ЯНГИЧА МОДЕЛДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИНИ ТўЛИҚ БАРПО ЭТИШ ИМКОНИНИ ЯРАТМОҚДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Тўлиқ қувват чикқан, улар йилга 15 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради.

Натижада келгуси йилда “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажми 23 миллиард килловатт-соатга етади. Ушбу қувватлар Ўзбекистон аҳолисининг йиллик электр энергия истеъмоли тўлиқ қопланишига хизмат қилади.

Энг муҳими, тоза энергия ҳисобига табиий газ сарфи салкам 7 миллиард куб метрга камаяди. Атмосферага 11 миллион тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинади.

Фойдаланишга топширилаётган лойиҳалар орасида 1 минг 245 мегаваттлик 10 та энергия сақлаш тизими ҳам бор. Бу энергия энг кўп истеъмол қилинадиган тигиз вақтларда қўшимча 1,5 миллиард килловатт-соат электр энергиясини тармоққа узатиш имконини беради.

Қўшимча равишда ишга туширилаётган 11 та йирик подстанция ва 420 километр юқори кучланишли тармоқлар тизимининг барқарор ишлашига хизмат қилади.

Янги ташкил этилган, йилга 15 мингта трансформатор ишлаб чиқарадиган “Angren Energo” ҳамда 155 та гидроагрегат тайёрлаб берадиган “UzHydroPower” корхоналари иқтисодиётимизга муҳим хисса қўшади.

Давлатимиз раҳбари маросимдаги нутқида ушбу тарихий воқеа Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши йўлидаги аян бир амалий қадам бўлишига ишонч билдириди.

— Бугун жадал суратларда ўсиб бораётган иқтисодиётимиз ва аҳолининг талаб ҳамда эътиёжидан келиб чиқиб, энергетика тизимида катта ислохотларни амалга оширяпмиз. Биз бу йўналишда иккита муҳим мақсадга эришишни асосий вазифа қилиб белгилаганмиз. Биринчиси — барча тармоқ ва худудлар учун ишончли ва узлуксиз энергия таъминотини йўлга қўйиш. Иккинчиси эса ана шу режамизни замонавий, экологик тоза ва қайта тикланувчи муқобил манбалар ҳисобидан амалга оширишдир, — деди Президентимиз.

Сўнгги йилларда энергетика тизимига 35 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, 9 минг мегаватт янги қувватлар ишга туширилгани таъкидланди.

Натижада электр ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 60 миллиард килловатт-соатдан жорий йилда 85 миллиард килловатт-соатга етди.

Эътиборли жиҳати, салкам 5 минг мегаваттлик қуёш ва шамол, 400 мегаваттлик гидроэлектр станциялари ишга туширилди. Жами генерация қувватларида “яшил” энергиянинг улуши бу йил 30 фоизга етказилди.

# ОРТГА ҚАЙТМАС ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ



Миллий сайлов тарихи тизимида сайлов биринчи марта аралаш сайлов тизими, яъни мажоритар ва пропорционал асосда ташкил этилди. Халқимиз нафақат ўзи танлаган депутатларни сайлашди, балки сиёсий партияларга ҳам баҳо берди.

Шу аснода Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутат таркибининг партиявий мансублигига кўра — ЎзЛиДеП 64 та (42,7 фоиз), "Миллий тикланиш" ДП 29 та (19,3 фоиз), "Адолат" СДП 21 та (14 фоиз), ЎзХДП 20 та (13,3 фоиз), Экология партия 16 та ўрин (10,7 фоиз) эгаллади. Сайланган депутатларнинг 38 фоизини ёки 57 нафарини хотин-қизлар ташкил этиб, бу Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсаткичдир.

Депутатлар таркиби турли соҳа вакиллари орасидан сайланди. Бу жамиятдаги турли масала ва муаммоларни қонунчилик асосида ҳал этиш имкониятини кенгайтирди. Конституция талабидан келиб чиқиб Палатада тизимли равишда сиёсий ва ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2024 йил 18 — 20 ноябрь кунлари Олий Мажлис палаталари мажлисларидаги нутқлари янги таркибдаги парламент, шу жумладан, Қонунчилик палатасига фаолияти янги раҳ ва янги мазмун касб этган эди. Унда кўп палатанинг кенг қўлмадаги фаолиятига доир энг муҳим йўналишлар аниқ белгиланиб, устувор вазифалар таъкидлаб ўтилган.

Давлатимиз раҳбарининг бу нутқлари Қонунчилик палатасининг барча форматдаги фаолияти, депутатларимизнинг ишчан сай-ҳаракатлари ҳамда қонун ижодкорлиги учун ўзига хос дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз нутқларида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ҳаракатлар дастури тасдиқланди.

Қонунчилик палатасининг раҳбарияти, жумладан, икки нафар Спикер ўринбосари сайланди. Сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари Спикер ўринбосарлари эмас, балки фракция раҳбари сифатида фаолият кўрсатган ҳолда, уларнинг мустақиллиги ва ваколатлари кенгайтиди.

Қонунчилик палатасида 10 та кўмита тuzилди. Хусусан, Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ, Меҳнат, Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмиталари фаолияти тубдан ва моҳиятан қайта ташкил этилгани ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларида парламентнинг иштироки, ўрни ва таъсирини яққол кўрсатмоқда.

Қонунчилик палатасига юқлатилган вазифаларни самарали амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида унинг ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича, Қонунчиликнинг Жаҳон савдо ташкилоти битимлариغا уйғунлаштириш бўйича, Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва "яшил" иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича, "Ташаббусли бюджет" жараёнида парламент назоратини амалга ошириш бўйича парламент комиссиялари ташкил этилди. Шунингдек, Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ самарали фаолият олиб бормоқда.

Бугун Қонунчилик палатасида рақобат ва баҳс муҳити тобора кенгайиб бормоқда. Бу ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Конституцияда белгиланган ваколатлари амалда тўлиқ ақс этаётганидан далолатдир. Масалан, икки етакчи сиёсий партия — ЎзЛиДеП ҳамда "Миллий тикланиш" ДП фракциялари томонидан "Тараққиёт блоқи" ташкил этилди. ЎзХДП эса ўзини парламентдаги муҳолифат фракцияси деб эълон қилди.

Ҳозирда Палатада қўрилган барча масалаларда, қабул қилинаётган қонунларда ҳар бир фракциянинг ва айниқса, муҳолифат фракциянинг қарашлари ва тақлифлари акс этмоқда.

Кўп палата кўмиталари фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни янада кучайтириш мақсадида улар ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан иборат Жамоатчилик кенгашлари тuzилди.

Қонун лойиҳаларининг муҳокамаларида жамоатчилик вакиллари, эксперт ва мутахассислар, ташаббускор фуқароларимизнинг бевосита иштирок этиш тизими муваффақиятли ишлаб ўз самарасини бермоқда. Ҳозиргача қабул қилинган қонунларда улар берган асосли тақлифлар акс этган.

Умуман, Палата фуқаролик жамияти институтлари билан тамомла янги асосда ва услубда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу кунларда бўлиб ўтган "Фуқаролик жамияти ҳафталиги" доирасидаги барча тадбирларда депутатлик корпуси вакиллари фаол иштирок этиб, кун тартибидagi масалалар бўйича конструктив тақлифлар билдиришди.

Президентимиз Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида депутат — бу халқ хизматчиси, барчага ўрнатилган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсон дея таъкидлаган эди.

Ана шу юксак баҳога муносиб бўлиш мақсадида бугун депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти тубдан ўзгартирилди. Халқ вакиллари сайловчилар билан учрашувларнинг барча ташкилий-ҳуқуқий масалалари тўлиқ ечилди. Уларга қулай шарт-шароитлар яратилди.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида депутатлар 27 мингга яқин манзилларда учрашувлар ўтказди. 10 мингдан ортқ аҳоли хонадонларида бўлишди.

Кўпгина масалалар жойида ҳал қилинди. Сайловчилар томонидан билдирилган айрим тақлиф ва мунозаатлар эса ҳуқуқий нормаларда акс этди.

Янги тизим асосида 2026 йил 1 январдан бошлаб, депутатлар танлови билан ҳар йили "Ташаббусли бюджет" жараёни доирасида тегишли сайлов округларида гўлиб бўлмаган лойиҳалар орасидан иккита лойиҳа молиялаштирилиши белгиланди. Бу депутатнинг ўз сайлов округидаги масалаларни амалда ҳал этишнинг жуда муҳим механизмларидан бири бўлди.

## Қонунлар қабул қилиш орқали Конституция нормалари ҳаётга татбиқ этилмоқда

Янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилинган хали кўп вақт бўлмаган бўлсада, Қонунчилик палатаси томонидан Конституция нормаларига уйғун бўлган янги қонунлар қабул қилинмоқда. Бундан кўзланган

Бир мисол, илгари амалиётда бўлмаган жуда кўп халқчил, ҳуқуқий асослар яратилди. Масалан, жисмоний шахсларнинг улар билан кредит битимларини тузишга доир тақиб белгилашга ва уни олиб ташлашга бўлган ҳуқуқлари, уларни кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритишнинг тартиби ва шартлари қонун билан белгиланди. Кредит ахборотидан фойдаланувчиларнинг белгиланган тақиқни бузган ҳолда кредит битимини тузганлик учун жавобгарлиги назарда тутилди. Яъни жисмоний шахслар ўзлари билан кредит битимларини тузишга доир тақиб белгилаш ва уни олиб ташлаш ҳуқуқига эга бўлди.

Яна бир қонун билан аҳолига видео-конференцалока режимда ўтказиладиган суд мажлисларида мобил видео-конференцалока тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш имконияти яратилди.

Пенсия ёшига тўлган фуқароларга уларнинг мунозаатсиз автоматик тарзда ("проактив") ёшга доир пенсия тайинланиши қонун билан кафолатланди.

Аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қонун билан эса сайлгоҳ, хиёбон, боғ ва дарахтзорлар ҳамда улар жойлашган ерларни хусусийлаштиришни тақиқлаш, шунингдек, бу ҳудудларда бино ва иншоотлар қурилишини чеклаш орқали ушбу масканлар муҳофазасини кучайтириш чоралари белгиланди.

Буларнинг барчаси, энг аввало, инсон қадрини ун ҳизмат қилмоқда, одамларимизнинг мушкулларини осонлаштирмоқда, жамиятда адолатни таъминламоқда.

Бу эса давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қонун қабул қилинган, у албатта ишлаши керак ва одамлар ҳаётида сезиларли ўзгариш бўлиши лозим деган фикрлари ҳаётда ўз ифодасини топаётганидан далолатдир.

## Парламент назорати — бу, аввало, «халқ назорати, халқ сўрови»

Асосий Қонунимизда парламент назорати институтининг фаол ишлаши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий асослар белгиланган. Хусусан, Давлат бюджети ижроси устидан назоратни амалга ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мамолат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйи-

**Президентимиз Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида депутат — бу халқ хизматчиси, барчага ўрнатилган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир, дея таъкидлаган эди.**  
**Ана шу юксак баҳога муносиб бўлиш мақсадида бугун депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти тубдан ўзгартирилди. Халқ вакиллари сайловчилар билан учрашувларнинг барча ташкилий-ҳуқуқий масалалари тўлиқ ечилди. Уларга қулай шарт-шароитлар яратилди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида депутатлар 27 мингга яқин манзилларда учрашувлар ўтказди. 10 мингдан ортқ аҳоли хонадонларида бўлишди.**

асосий мақсад — инсон ҳуқуқларини мустаҳкам таъминлаш, жамият, мамлакат тараққиётининг замонавий ҳуқуқий асосларини яратиш.

Депутатлар амалдаги қонунчиликни Бош қомусимиз нормаларига мослаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Конституция билан Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга қаратилган янги институтлар амалиётга татбиқ этиляпти.

Шунга кўра, яқунга етиб бораётган йилда Қонунчилик палатасининг асосий фаолияти ҳисобланган қонун ижодкорлиги жараёни янада тақомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жамиятимиздаги долзарб муаммоларга ҳуқуқий ечим топиш, халқчил қонунлар қабул қилиш ва қонун лойиҳаларининг сифатини ошириш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, 2025 — 2029 йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги дастури бу борада муҳим ўрин тутаяпти.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунлар сони аввалги йиллардагига қараганда бирмунча кўпайди.

Ўтган даврда бутун бир соҳани тартибга солувчи қатор яхлит қонунлар кўриб чиқилди ҳамда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси, "Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Банкларни санация қилиш ва турғати тўғрисида"ги, "Давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида"ги, "Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини сугурта қилиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидан.

Шунинг баробарида халқимиз фаровонлигини оширишга, аҳолига қўшимча енгиллик ва имтиёзлар яратишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қатор қонунлар ҳам қабул қилинмоқда. Энг муҳими, уларда Конституциямизда назарда тутилган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-киммати, барча эҳтиёжларини қамраб олувчи олий қадриятлар акс этмоқда.

хисоботларини кўйи палатага фақат Бюджет кодексида белгиланган аудит ҳулосаси билан биргаликда киритиш амалиётини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатасига тақдим қилинадиган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот турлари кенгайтирилди.

Унга мувофиқ, Қонунчилик палатаси кўмиталарида ҳар олти ойда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторлари бажарилиши юзасидан вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини, ҳар чорак якунида Солиқ қўмитаси, Боххона қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг Давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бориш йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг 9 ойида Қонунчилик палатаси кўмиталари мажлисларида 18 та вазирлик, 4 та агентлик, 4 та кўмита ҳамда 4 та ташкилотнинг мақсадли индикаторлари бажарилиши ҳолати ҳақидаги ахборотлари жами 29 мартаба эшитилди.

Ушбу амалиёт Давлат бюджети ижроси назоратида кўмиталарнинг ролини янада оширишга, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлари устидан парламент назоратини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат бюджети, давлат дастурлари ижроси бўйича ҳисоботларини, Ҳукумат аъзоллигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш, "Ҳукумат соати" институти каби муҳим демократик амалиётлар парламент ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Сайловчилар томонидан кўтарилаётган долзарб масалалар юзасидан раҳбарларнинг ахборотини кўриб чиқиш, одамларни ўйлантираётган муаммолар бўйича депутатларнинг саволларига ҳукумат аъзоларининг жавобини эшитиш, давлат органлари раҳбарларига парламент ва депутат сўровларини юбориш сингари парламент назоратининг таъсирчан шақлларида фойдаланилди.

Асосий Қонунимизга кўра парламент, хусусан, Қонунчилик палатаси мамлакат ташқи сиёсатида оид муҳим стратегик вазифаларни ҳал қилишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини Барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботи мунтазам эшитиб боришмоқда.

Парламент назоратининг ушбу янги шакли Ўзбекистоннинг БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш борасидаги ўз миллий мақсадларига тўлақонли эришиши, шу аснода мамлакат тараққиётини таъминлашга ҳуқуқий ёрдам бермоқда.

## Парламент дипломатияси географияси кенгаймоқда

Конституциямизда белгиланган нормалар парламент дипломатиясини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлмоқда. Парламентларо алоқалар ташқи сиёсатимизнинг муҳим мулоқот воситаларидан бирига айланиб, парламент дипломатияси географияси кенгаймоқда.

Жумладан, Қонунчилик палатаси ҳам хорижий парламентлар билан самарали ҳамкорлик олиб бормоқда.

Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарорларига мувофиқ йирик парламентларо тузилмалардаги доимий делегациялар таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистон халқаро парламентарийларнинг нуфузли мулоқотлар марказига айланган парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей асамблеяси бунга яққол мисол бўлиб, унинг доирасида 30 га яқин давлатларнинг парламентлари раҳбарлари билан бевосита учрашувлар ўтказилди.

Унда депутатлар мINGлаб парламентарийлар билан мулоқотда бўлишди, қонун ижодкорлиги йўналишида қизгин фикр ва таҳриба алмашди.

Айни вақтда Қонунчилик палатасида ташкил этилган парламентларо гуруҳлар самарали фаолият олиб бориб, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги манфаатли алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилляпти.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизнинг ҳажон миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, давлатимиз раҳбарини томонидан илгари сурилган ташаббус ва ғояларнинг амалга оширилишини таъминлашга муҳим ўрин тутаяпти.

Ҳулоса ўрнида айтганда, халқимизнинг ҳуқуқий тафаккури, хоҳиш-иродасининг ёрқин тимсоли ва амалий ифодаси бўлган Бош қомусимизнинг ҳар бир моддаси ва қонунининг миллий қонунчилигимизга мувофиқлаштириш, янги қонунлар қабул қилиш орқали Конституция нормаларини ҳаётга изчил ва самарали татбиқ этишда парламент янада фаол ва ташаббускор бўлади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Конституциямиз мамлакатимизда миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик, миллатларо дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, ислохотларимизнинг ортага қайтмас тус олишини таъминлашда доимо ишончли кафолат бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

## АЗМИДДИН САДРИДДИНОВИЧ САДРИДДИНОВ

Машинасозлик соҳасидаги таниқли олим, Тошкент давлат техника университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги механизатори Азмиддин Садриддинович Садриддинов шу йил 4 декабрь кунини 89 ёшида вафот этди.



А. Садриддинов 1936 йил 26 июнда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент енгил саноат институтида муҳандис-механик мутахассислиги бўйича таълим олди. Меҳнат фаолиятини Ўрта Осиеё политехника институтини (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)да катта лаборант вазифасида бошлади. Ушбу ўқув дарғоҳининг аспирантурасида тахсил олиб, дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Истеъодли олим Тошкент давлат техника университетида катта ўқитувчи, доцент, Механика, Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги факультетлари декани, биринчи проректор, профессор, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг Тошкент вилоти бўлими раҳбари каби лавозимларда самарали хизмат қилиб, мамлакатимизда юксак малакали кадрлар тайёрлаш, аграр соҳани замон талаблари асосида механизациялаштиришга доир илмий ишларга ва қўлланмалар тайёрлаш, уларнинг амалиётга жорий этиш жараёнига муносиб ҳисса қўшди.

Захматқаш олим ва педагог 65 йилдан зиёд вақт мобайнидаги серқирра фаолияти давомида пахта териш машиналарини тақомиллаштириш бўйича самарали тадқиқотлар олиб борди, ушбу йўналишда кўплаб мақолалар, рисола ва монографиялар, амалий ишларга ва методик қўлланмалар яратди. Айниқса, агротармок ривожини учун долзарб аҳамиятга эга бўлган 40 дан зиёд илмий лойиҳалар, давлат грантлари ва хўжалик шартномалари асосидаги илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилгани, пахта териш машиналарини тақомиллаштириш бўйича лаборатория базасига асос солигани мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида техник ва технология ислохотларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Устоз-олим тахрибали педагог сифатида кўплаб шогирдлар тайёрлади, унинг раҳбарлигида ўнлаб номзодлик ва 5 та докторлик илмий иши ҳимоя қилинди.

А. Садриддиновнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик механизатори" фахрий унвони, "Дўстлик" ва "Меҳнат шўррати" орденлари билан тақдирланди.

Таниқли олим ва педагог, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Азмиддин Садриддиновнинг хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ

## Конференция Ривожланишда энг таъсирчан восита

Кунини кеча пойтахтимизда "Миллий, минтақавий ва глобал даражада парламент дипломатияси орқали барқарор ривожланишни таъминлаш" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Халқ дипломатияси маркази, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзамжўаев иштирок этди.

Сенатор ўз нутқида мамлакатимизда олиб борилаётган очкилик ва яқин қўшничилик сиёсати, амалга оширилаётган демократик ислохотлар, фуқаролик институтларининг ривожланиши, халқ дипломатиясининг устувор жиҳатларига тўхталиб ўтди.

Хусусан, барқарор тараққиётга фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки халқлар ўртасидаги ишонч, очик мулоқот ва ҳамжиҳатлик туфайли эришиш мумкинлиги, халқ дипломатияси — бу буюк мақсадларга эришишда энг таъсирли восита эканини таъкидлади.

Конференцияда сўзга чиққанлар глобал муаммоларни ҳал этишда парламент дипломатиясининг ролини янада кучайтириш, маданий ва сайёҳлик алмашинувини рағбатлантириш, ёшлар ўртасида мулоқот платформаларини кенгайтириш бўйича амалий тақлиф ва тавсияларини билдирди.

## Мулоқот Ижтимоий фаол ёшлар

Конституция қабул қилинганнинг 33 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари Тошкент шаҳридаги Технология, менежмент ва коммуникация институти талабалари билан "Конституция — ёшлар нигоҳида" мавзусида очик мулоқот ўтказди.

Тадбир давомида Ёшлар парламенти аъзолари талабаларга янги таҳрирдаги Конституциямиз мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати, медиаасоҳонлиқни ошириш, навқирон авлоднинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга қаратилган ташаббуслар бўйича фикр алмашилди.

Мулоқот жараёнида талабалар томонидан олий таълим муассасалари ўртасида дебатлар, кўрик-танловлар ва викториналар ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди. Учрашув якунида Ёшлар парламенти аъзолари институти кутубхонасига китоблар жамламасини совға қилди.

«Халқ сўзи».

## Берлин шаҳрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, мамлакатимизнинг ушбу давлатдаги элчихонаси ҳамда немис ишбилармонлари ташаббуси билан «UZ Trade House Germany» илк савдо уйи очилди.

# ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ

Бош қомусимизга мувофиқ, давлат органлари фаолияти барча жабҳада инсон манфаатларини таъминлаш, адолат ҳамда очиқлик тамойилларига асосланиши лозим. Шу жумладан, прокуратура органлари Конституцияда белгиланган ушбу юксак мақсадларни амалга оширишда муҳим ўрин тутadi.

Қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан умумий назоратни олиб бориш, фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратуранинг асосий вазифаси ҳисобланади.

## Ташаббуслар самаралари рақамларда намоён

Тараққиётимизнинг янги босқичида Президентимизнинг тизим фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ташаббуслари самараси улароқ, ҳар жиҳатдан ўзгариб бораётган прокуратура органлари бу каби масъулиятли вазифаларни самарали амалга ошириш учун барча имкониятга ва зарур салоҳиятга эга.

Фаолиятимизнинг айрим йўналишларида эришилган натижаларга қисқача тўхталадиган бўлсак, прокуратура органлари томонидан ҳудудларда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси йўналишларида олиб борилаётган ислохотлар асосида муайян ишлар бажарилаётган.

Ўртбосимизнинг тегишли Фармониغا асосан камбағал оилаларни реестрга киритиш ва чиқаришнинг ҳаққончилиги мунтазам ўрганиб борилаётган ҳамда ўтказилган назорат тадбирлари давомида, ижтимоий ёрдам маблағларини олиб келаётган 86 867 та оила реестрдан чиқарилиши натижасида, бюджетдан 30 млрд. сўм иқтисод қилинишига эришилган.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича 28 720 нафар тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатилди, жумладан, 4 762 нафар тадбиркорга 924,4 млрд. сўм кредит, 1 143 нафарига 508 гектар ер майдони ва 136 нафарига бино ажратилишида, 655 нафарига рухсатнома ва лицензия берилишида, 10 588 нафарига муҳандислик тизимлариغا уланishiда, 11 436 нафарига бошқа масалаларда кўмаклашилди. Натижада 6 160 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 9 310 таси фаолияти тикланди, 23 201 та иш ўрни яратилишига эришилди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни қонунга итоаткорлик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳар бир туман-шаҳардан биттадан мактаб прокурорлар томонидан оталиқча олиниб, уларга манзилли кўмаклашиш чоралари кўриб борилаётган.

Бу борада ҳар бир мактаб бўйича алоҳида тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридан ижроси таъминланиб, **“Прокурор — мактаб — маҳалла — ота-она — ўқувчи”** тамойили асосида жисмонан ва маънан етук ёш авлодини тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ҳуқуқни муҳофазат қилиш академиясининг профессор-ўқитувчилари томонидан туман-шаҳар прокурорларига бириктирилган мактабларда ўқитувчилар учун замонавий педагогика ва касбга йўналтириш борасида маҳорат дарслари ўтказилиб, соддалаштирилган **“200+ тақтиқлар”** номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилди.

## Прокуратура

### зиммасидаги масъулият

Янги таҳрирдаги Конституция инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида туб янгилликларни мустаҳкамлаб, уларнинг бузилишига йўл қўймаглик учун барча ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органлар, жумладан, прокуратура зиммасига масъулият юклайди. Бу эса ҳар бир муружаатни ўз вақтида, ҳолис ва қонуний кўриб чиқиши, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини самарали тиклашни таъминлайди.

Прокуратуранинг бутун тизими инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни давлат субсатининг устувор йўналиши сифатида англаб иш юритиши шарт. Ҳар бир муружаат — инсоннинг тақдир, ҳар бир қарор қонун устуворлигига берилган баҳодир. Хусусан, прокуратура органлари томонидан муружаатлар билан ишлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабулини ташкил этиш билан боғлиқ фаолият самарадорлигини кўтариш борасида зарур чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, жисмоний ҳамда юри-

дик шахсларнинг вакиллари қабулини амалга ошириш, муружаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда қонунийлик, ҳолислик тамойилларига қатъий амал қилиниши устидан назорат ўрнатилган.

Таҳлилларга кўра, 2025 йилнинг ўтган даврида прокуратура органлари қелиб тушган муружаатлар сони 332 300 (2024 йилда 380 978) тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 48 678 та ёки 12,7 фоизга камайган. Кўрилган чоралар натижасида 48 512 (49 177) нафар шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланган. Шу билан бирга, ушбу даврда прокуратура органлари ходимлари томонидан жами 250 560 нафар, шу жумладан, сайёр ва оммавий қабулларда 68 597 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсан қабул қилиниб, муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилган.

Прокуратура органлари томонидан тергов ва суриштирув жараёнларида шахс ҳаққончилиги, айбисизлик презумпцияси, ҳимоя ҳуқуқининг кафолатланиши принципларига қатъий риоя этилиши таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади. Ноконуний босим, мажбурлаш ёки далилларни сохташтириш ҳолатларига нисбатан мутлақ муросасизлик сиёсати олиб борилаётган. Ҳар бир иш бўйича адолатли, далилларга асосланган ва қонун талабларига тўла мос қарор қабул қилиниши прокуратура фаолиятининг муҳим мезонидир.

Таъкидлаш жоизки, фаолиятда асосий эътибор терговни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, соҳага рақамли криминалистикани жорий этиш, назоратни замонавий услубда ташкил қилиш, тергов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, терговчиларнинг малакасини оширишга қаратилди.

Тергов жараёнидаги инсон омили билан боғлиқ қонун бузилиши, нуқсон ва камчиликларни кескин камайтириш, ортиқча қоғозбозлик ҳамда бюрократия ва фуқаролар овозгарчиликларининг олдини олиш мақсадида соҳани рақамлаштириш тармоқ олдига турган долзарб вазифа сифатида белгиланди.

Шунга асосан судга қадаш иш юритишдаги дастлабки ва энг му-

Фармонда мамлакатда қонунлар ижроси устидан самарали назоратни таъминлаш орқали қонун устуворлигига эришишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар назарда тутилган. Жумладан, муружаатлар билан ишлашда инсон омилини истисно этилган сунъий интеллект жорий қилинади. Натижада муружаатларнинг санокли дақиқаларда ижросига етказилишига ҳамда уларда кўтаришган масалаларнинг қисқа муддатда ҳал этилишига эришилди.

Бош прокуратуранинг ахборот тизимига вазирилик ва идораларнинг тизимларини **тўлиқ интеграция қилиш** ҳам қўзда тутилмоқда. Тергов жараёнларида жорий этилаётган ахборот тизими суриштирув ва терговнинг барча босқичи устидан реал вақт режимида кундалик назорат ўрнатилиши имконини беради.

Жиноят судларида бўлгани каби, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар билан ҳам прокуратуранинг ахборот тизими интеграция қилинади. Бу эса прокурорларнинг суд жараёнларида реал ва самарали иштирокини, суд амалиётини тўлиқ ҳабардорлигини масофавий усулда таъминлайди, суд ҳужжатларига нисбатан тезкор муносабат билдириш имконини беради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизimini, жумладан, прокуратура органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судловни самарали таъминлаш борасида қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилишга доир ваколатлари кучайтирилишига устувор аҳамият берилди. Эндиликда **прокуратура органлари инсон ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатлари ҳимоячиси сифатида янги ҳуқуқий мақомда фаолият юритмоқда.**

Фуқаролик ишлари бўйича судларда биринчи инстанцияда жами 416 699 та иш кўрилди, шундан прокурор иштироки мажбурий бўлган 33 527 тасида уларнинг қатнашиши таъминланган. Бу даврда прокурорлар томонидан судларга жами 103,2 млрд. сўмлик 1 883 та даъво

ниб, амалиётга жорий этилди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида жорий йилнинг 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида коррупцияга қарши курашиш, уни келтириб чиқараётган омилларни бартараф этиш борасида белгиланган берилган вазифалар ижроси юзасидан жорий йилнинг 29 июль куни Бош прокурор томонидан давлатимиз раҳбари ҳузурида **маиший коррупцияга қарши курашиш** ва унинг олдини олиш чора-тадбирларига бағишланган тақдирот ўтказилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

Барча даражадаги прокуратура раҳбарлари олдига янги таҳрирдаги Конституция талабларини амалиётга тўлиқ жорий этиш бўйича аниқ вазифалар кўйилган. Ходимларнинг юридик малакасини мунтазам ошириш, хизмат интизоми ва шахсий жавобгарликни кучайтириш прокуратура органларида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Ходимларнинг билим ва малакасини янада чуқурлаштириш ишлари доимий диққат марказимизда бўлмоқда.

Жумладан, Ҳуқуқни муҳофазат қилиш академияси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 43 та мазвудда 57 та малака ошириш курси (*шундан 30 таси режадан ташқари*) ўтказилиб, уларда жами 30 320 нафар ходим қатнашди. Академиянинг ўқув-таълим порталига жойлаштирилган 7 та мажбурий ва 52 та электив курсларда жами 1 328 нафар ходимнинг иштироки таъминланди.

Шунингдек, масофавий курсларни сунъий интеллект технологиялари асосида ишлаб чиқиш амалиётга жорий этилди ва ҳозирга қадар ушбу курсларни 300 дан ортиқ тингловчилар муваффақиятли якунлади. Мазкур курсларда 25 та видеодрас ва 16 та видеоли казус бевосита сунъий интеллект технологиялари асосида ишлаб чиқилиб, дарс машғулотларида фойдаланилмоқда.

Прокуратура органлари ва муассасаларига хизматга қабул қилиш, ходимларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини, шахсий фазилатларини ва касбий муҳоратини боҳаллаб бориш, шунингдек, кадрларга оид бошқа масалаларни коллегиял тартибда ҳал этиш мақсадида **Малака ва Одоб-ахлоқ** кенгашлари ташкил этилди. Ходимларда ўз касбидан ифтихор туйғусини шакллантириш мақсадида прокуратура органларида ўз хизмати билан алоҳида ўрнатилган ходимлар учун касбий танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

## «Тарихий хотира бекиёс»

Ўзбекистон прокуратураси бой мерос ва тарихга эга. Албатта, бундай бебаҳо меросни келгуси авлодларга етказиш муқаддас бурчимиздир. Шу мақсадда қарий икки йиллик изланишлар натижасида ўтган йили **Бош прокуратура музейи фаолиятини тўла йўлга қўйди.** Музейида прокуратура тарихида илк бор 15 мингдан ортиқ адабиётларга эга кутубхона фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази томонидан фахрийларга эътибор кўрсатиш, моддий ҳамда ижтимоий кўмаклашиш, уларнинг жамият ҳаётида фаол қатнашишини таъминлаш, юзага келган ҳаётий муаммоларини ҳал этишда ёрдам бериш каби вазифалар ижроси тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Шунингдек, қатағон қурбони бўлган прокуратура ходимларининг пок номини тиклаш ва абадийлаштириш ишлари олиб борилаётган. Жумладан, Бош прокурор фармойиши асосида 1917 — 1940 йилларда қатағон қилинган соҳанинг 160 нафар ходими аниқланиб, уларнинг 80 нафари **“Тарихий хотира бекиёс”** номли махсус китобнинг 1 ва 2-жилдларига киритилди, чоп этилди. Ушбу ишлар давом эттирилиб, ҳозирда ўша йилларда қатағон қилинган яна 40 нафар ходимни қамраб олган **“Тарихий хотира бекиёс”** номли махсус китобнинг 3-жилдининг нашрга тайёрлаш ишлари олиб борилаётган.

Айтиш жоизки, янги таҳрирдаги Конституция прокуратура фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг ҳар бир нормаси ҳаётга тўлиқ татбиқ этилган тақдирдагина фуқароларнинг адолатла ишончи ортади, жамиятда қонунга ҳурмат юксалади ва давлатнинг ҳуқуқий нуфузи янада мустаҳкамланади.

Прокуратура органлари зиммасига юкланган ушбу масъулиятни тўла ангаган ҳолда, биз фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги фаолиятимизни изчил давом эттирамиз.

Мамлакатимиз ҳаётида 8 декабрь санаси алоҳида ўрин тутadi. Бу кун — халқимиз иродаси, давлатчилигимиз пойдевори, ҳуқуқ ва эркинликларимизнинг кафолати бўлган Асосий Қонунимиз имзоланган кун. Конституция нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки жамиятимиз раънақи ва келажагига улкан ишонч пойдеворидир.

# МАМЛАКАТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

2023 йилда халқимиз иродаси билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичини белгилаб берди. Яъни мазкур ҳужжат мамлакатимизда кечаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини чуқурроқ ифодалаш, инсон қадрини юксалтириш ва давлат бошқарувини демократлаштиришда асосий ўрин тутмоқда.

Дарҳақиқат, Конституцияни ислоҳ қилиш давлатимизнинг эл-юрт соадати йўлидаги олий мақсадлари сари қўйилган навбатдаги улкан қадам бўлди. Алоҳида қайд этиш лозим, янги Бош қомусимиз кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтди, халқ фикри ва тақлифлари эътиборга олинди. Демак, Конституция халқнинг бевосита иштирокида шаклланди ва унинг хоҳиш-иродаси ифодасига айланди.

Бугунги кунда ишлаб чиқилган ҳар бир қонун, ҳар бир қарор Асосий Қонун талабларига мос бўлиши, халқ манфаатига хизмат қилиши шартлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, жамиятнинг ҳар бир аъзоси — ўқитувчи, шифокор, тадбиркор ёки талабани, Конституция талабларига риоя этишда фаол бўлиши лозим.

**Конституция бу фақат ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки мамлакатнинг келажак тараққиёт стратегиясидир. У таълим, фан, иқтисодиёт, саноат, экология ва бошқа соҳалардаги ислохотларга мустаҳкам ҳуқуқий асос яратadi. Янги қондаларнинг амалиётга тўғри татбиқ этилиши эса юртимизнинг барқарор ривожланиши ва жаҳон ҳам-жамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлайди.**

Халқимизга хос бўлган тарихан шаклланган аънаъга кўра, кучли ижтимоий ҳимоя ва муқоammaга гамхўрлик давлат сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолиши табиий. Шу боис илк бора Ўзбекистон — ижтимоий давлат, деб белгиланди. Яъни инсонга эътибор ҳамда гамхўрлик давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи экани мустаҳкамланди.

Конституцияда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши белгиланди. Умуман, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ Конституциядаги нормалар уч баробар кўпайтирилди. Мисол учун, Конституцияда ҳар қимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади, албатта.

Аҳолининг кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши, умуман, аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар оширилганининг ўзи аҳоли соғлигини ишончли муҳофазат қилиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар тахдиини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Конституцияда Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат, деб белгиланиши улкан аҳамиятга молик. Жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинган экан, унда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ортди.

Хусусан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари, унинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлигини тўлиқ таъминлашга қаратилган қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф қилиниши ва кафолатланиши муқарраб.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларига оид устувор қоидалар такомиллаштирилиб, инсоннинг ажралмас ҳуқуқларини ҳеч қандай ҳолатларда чеклаш мумкин эмаслиги Конституция даражасида мустаҳкамланди.

Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланishiга конституциявий мақом берилгани ўта муҳим аҳамиятга эга. Улим жазосининг мутлақ тақиқланиши инсон ҳаёти дахлсиз ва муқаддас эканини янада аниқ қонуний асосга қўйди. Зеро, давлат томонидан инсон ҳаётининг энг олий қадрини сифатида тан олинishi — инсонпарварлик сиёсатининг аниқ ўзагидир.

Ўзбекистонда янги таҳрирдаги Конституция асосида 2024 йил ил бор вакиллик органларига сайловлар ўтказилди ва бу сайловлар натижасида шаклланган янги таркибдаги маҳаллий Кенгашлар ҳамда Сенат ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланди.

Конституция мамлакатимизда сиёсий ти-

зимни демократлаштириш, давлат бошқарувини оптималлаштириш ва парламент фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қатор муҳим ўзгаришларни ўз ичига олди. Ушбу ўзгаришлардан бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати таркибининг 100 нафардан 65 нафаргача қисқартирилишидир.

Бу ўзгариш илк бор ўтказилган сайловларда ўз амалий ифодасини топди ва янги-иланган Сенат энди 65 нафар аъзо билан фаолият юритмоқда. Яъни сенаторлар сонининг камайгани маҳаллий Кенгашларга бўлган сайлов ва ундан кейин ҳудудлардан сенаторларни сайлаш жараёнларида сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари ўртасида рақобатни кучайтирди.

Пироваднинг, бу жиҳатлар янги таркибдаги Сенатнинг салоҳиятини энди орттириб, сенаторлар масъулиятининг кучайishiга хизмат қилди. Сайлов эса, бу ёндашувларни янада такомиллаштириш ва улар самарадорлигини оширишнинг қўшимча имконияти десак, хато бўлмайди. Зотан, сайлов жараёнларида амалдаги сенаторлар ҳам, маҳаллий Кенгаш депутатлигига, пировадига сенаторликка номзодлар ҳам ҳудудларда аҳоли, тегишли соҳа ва тармоқларнинг вакиллари билан фаол мулоқотга киришadi.

Бундай мулоқотлар ҳукумат, марказий вазирилик ва идоралар даражасида ҳал қилиниши таъхот этилаётган масалаларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича аниқ тақлиф ва ташаббусларни илгари суриш имконини беради.

Сенатор сифатида биз учун Конституция — фақат ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки ҳар бир қароримизнинг асосий мезони, халқ олдидаги масъулиятимизнинг ўлчоғидир. Қонунчилик ташаббусларига баҳо беришда, ҳудудлардаги муаммоларни ўрганишда, фуқаролар муружаатларини ҳал этишда биз, биринчи навбатда, Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган принципларга таянамиз.

Хусусан, Сенатда ҳудудларни жадал ривожлантириш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қатор қонунлар ва қарорлар қабул қилинмоқда. Бу борадаги ҳар бир ташаббус Конституция талабларига мос равишда инсон манфаатини энг устувор мақсад сифатида белгилаб қўйди.

Бу ўзгаришлар Ўзбекистон парламентаризми тарихида муҳим босқич бўлиб, янги Сенат мақсад тараққиёт, қонунийлик ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга юқори даражада таъсир кўрсата оладиган кучли ва компакт таъсир сифатида шаклланди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, ўтган йиллардан бошлаб Сенат ялпи мажлисларида жойлардаги муаммолар масалалар муҳокамасига алоҳида вақт ажратиб келинмоқда. Сенаторлар томонидан кўтаришган ҳар қандай муаммолар масалаларга халқ томонидан кўтаришган дея қараш ва шунга яраша муносабатда бўлиш амалиётини йўлга қўйилди. Шу нуқтага назардан ҳам сайловларнинг Сенат фаолияти самарадорлигини оширишдаги аҳамияти ниҳоятда катта бўлди.

Дунёдаги демократик парламент тизимларида юқори палаталар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлиб, давлат фаолиятида фаол иштирок этади. Сенатда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг мавжуд бўлмагани эса, бу борада қўллаб қийинчиликларни юзага келтирар эди. Қонунларни Сенат тавсиясига асосан у ёки бу ташаббус ҳуқуқига эга субъект томонидан киритиш жараёнлари узоқ вақт, ортиқча баҳсу мунозара билан боғлиқ қўллаб муаммоларни келтириб чиқараётган эди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда мамлакатимизнинг ҳавфсизлиги, барқарор ривожланиши асосларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид соладиган фактлар ва воқеаларни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма қарори билан парламент текшируви ўтказилиши мумкинлиги алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Фуқаролар ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, Конституция ва қонунларни муҳофазалашдек шарафли вазифаларни зиммасига олган сенаторларнинг масъулияти энди ҳар қачонгидан ҳам кучайди.

Ўртни обод қилиш нияти билан яшаш, бу ният рўёби йўлида борини бериш халқимизнинг азалий ҳаёт тарзи, эзгу қадриятдир. Бу қадриятнинг тараққиётимиз янги босқичида янги тўлқин, янги куч ва хайрли мақсад билан қайта тиклангани Янги Ўзбекистонни барпо этишдек олий мақсадимизга мосдир.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**  
Олий Мажлис Сенатининг Мудфоса ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси.

Мамлакатимизда 2026-2027 йилларда аёллар бошқарувидаги бизнесларни ривожлантириш учун 2 трлн. сўм йўналтирилади.

Тадбир

Рақамли маконда аёллар хавфсизлигини таъминлаш – устувор масала

Шу йил 25 ноябрдан 10 декабрга қадар бутун дунёда "Хотин-қизларга нисбатан рақамли зўравонликка барҳам бериш учун бирлашайлик" шиори остида ўтказилаётган халқаро кампания доирасида Тошкент давлат юридик университетида "Хотин-қизларга нисбатан таъминлаш ва зўравонликнинг олдини олиш ва уни бартараф этишнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари О. Атанязова иштирок этди. Сенатор ўз чиқишида хотин-қизларга нисбатан таъминлаш ва зўравонликнинг олдини олиш, айниқса, рақамли маконда аёллар хавфсизлигини таъминлаш масалалари нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий ҳамда маънавий жиҳатдан катта эътибор талаб қилишини қайд этди.

Жамият тараққиёти ва инсон ҳуқуқларининг қафолатлини, аввало, ҳар бир аёлнинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ишончи ҳимоя қилишдан бошлангани қайд этилди. Шунингдек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, зўравонликнинг барча кўринишларига қарши курашиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётганига, рақамли зўравонлик ва кибертаҳдидларга қарши самарали ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурилигига эътибор қаратилди.

Конференция давомида мутахассислар, олимлар ва экспертлар муҳокама қилинган мавзуга оид тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Фуқаролик жамияти

ҲАҚИҚИЙ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Шу йилнинг 1 — 5 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида "Фуқаролик жамияти ҳафталиги" бўлиб ўтди. Ҳафталиқнинг сўнгги кунинда "Фуқаролик ташаббуси" миллий мукофоти ва "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони соҳибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Фуқаролик жамияти институтлари йўналишида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш ва соҳани янада ривожлантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида парламент аъзолари, давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, хорижий экспертлар иштирок этиб ўтказилган кенг қамровли ҳафталик ҳақиқий мулоқот майдони бўлди.

Унинг доирасида 2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси натижалари ва 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси лойиҳаси муҳокамаси, Олий Мажлис Сенати ва Қўнчилик палатаси раҳбарияти билан учрашувлар, Адлия вазирлиги раҳбарияти билан мулоқотлар, нодавлат нотариат ташкилотлари миллий форуми, халқаро конференция, ноғиронлиги бўлган шахслар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ярмаркаси, нодавлат нотариат ташкилотларининг муҳим ташаббусларини молиялаштириш мақсадида "Мақсадли лойиҳалар" акцияси каби тадбирлар ўтказилди.

Таъкидлаш керакки, "Фуқаролик ташаббуси" миллий мукофоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги "Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида таъсис этилган.

Жорий йилда илк мартаба ўтказилаётган миллий мукофотга 350 дан ортиқ номзодлар ҳужжати тақдим этилиб, сўнгги икки йилда фаоллик ва ташаббус кўрсатган юрtdошларимиз қуйидаги номинациялар бўйича тақдирланди:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари фаоли;
— ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш фаоли;
— ташаббускор экология фаоли;
— ижтимоий ҳимоя фаоли;
— хотин-қизлар бўйича ижтимоий фаол.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган республика ва хорижий нодавлат нотариат ташкилотлари вакиллари "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони билан тақдирлаш маросими ҳам ҳафталик доирасидаги муҳим тадбирлардан бири бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, фуқаролик жамияти институтларининг бу юксак унвони Президентининг 2018 йилнинг 14 ноябрдаги қарори билан таъсис этилган эди. Ўтган давр мубайнида соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фуқаролик жамияти институтларининг 150 нафарга яқин вакиллари мазкур кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ушбу анъанани давом эттирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни арасидаги Парламент комиссиясининг қарорига мувофиқ республика нодавлат нотариат ташкилотларининг яна бир гуруҳ вакиллари "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро ишончини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишида муҳим ислохотлар амалга оширилаётгани, фуқаролар ҳуқуқини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, коррупцияга қарши курашиш, экология, таълим, тиббиёт, маданият ва бошқа соҳаларда фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этаётганини ургуллади.

Анъанавий "Фуқаролик жамияти ҳафталиги" давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ва конструктив мулоқот механизмларини йўлга қўйиш, нодавлат нотариат ташкилотларининг эҳтиёжларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда давлат ва жамиятни янада ривожлантириш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш, истиқболли ташаббусларни ишлаб чиқишда муҳим майдон вазифасини бажармоқда.

«Халқ сўзи».

ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига дахлдор масалалар, шу жумладан, 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга, бюджет жараёнини янада такомиллаштиришга, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширишга доир қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди. Шунингдек, парламент назорати фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

2026 йилги Давлат бюджети:

тақлиф, тавсия ва муҳим ўзгаришлар

Мажлисида дастлаб "2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг кўриб чиқилиши ўтган йиллардаги нисбатан фарқ қилди. Хусусан, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган муҳим устувор йўналишларни амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларнинг молиявий ва иқтисодий ечимига эътибор қаратилди.

Қўмиталар томонидан ўтказилган йиғилишлар, сиёсий партияларнинг фракцияларидаги муҳокамаларда депутатлар томонидан 100 дан ортиқ саволлар, концептуал аҳамиятга эга 10 дан ортиқ тақлиф ва тавсиялар берилди. Асослантирилган қатор тақлифлар қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

Мажлисида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари ва харажатлари, маҳаллий бюджетлар ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига оид лойиҳада кўзда тутилган тадбирлар, уларни молиялаштириш манбаларига оид маълумотлар чуқур таҳлил қилинганга алоҳида эътибор қаратилди.

Қонун лойиҳасига маъсул — Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда унинг тегишли моддаларида акс эттирилган нормалар Президент Фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари билан уйғунлиги ва асослантирилгани ўрганилди.

Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида Хисоб палатасининг берган хулосалари ҳам депутатлар диққат марказида бўлди. Шу асосда халқ вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда асослантирилган тақлифларни Солиқ ва Бюджет кодексларида акс эттириш масаласи ўрганиб чиқилди. Хусусан, айрим асосли тақлифлар бюджет ва солиқ тизимларини такомиллаштириш жараёнида инobatга олинган бўлди.

Шу билан бирга, қўмиталар ва сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида



қонун лойиҳасида вазирлик ва идораларга ажратилиши кўзда тутилган бюджет маблағлари, улардан фойдаланиш ва натижадорлиқни ошириш юзасидан билдирилган тақлиф ва тавсиялар бирма-бир кўриб чиқилиб, муҳокама қилинди.

Депутатлар билдирган тақлиф ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасига бир қанча концептуал аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, **ЎзЛиДеП фракцияси** аъзолари тақлифига мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятида онкологик ва юкумли бўлмаган бошқа касалликларнинг ўтказиб юборилган босқичини бошидан кечираётган беморларни стационар ҳамда амбулатор шартда, шунингдек, уйда тайёрида даволаш имконияти бўлмаганда уларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатишга ҳудудлараро хосписларни ташкил этиш учун 50 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

"**Миллий тикланиш**" демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан берилган тақлифлар асосида иқтисодиётнинг стратегик жиҳатдан муҳим сектори сифатида туризм соҳасининг тизимли ва барқарор ривожланишини таъминлаш, соҳада давлат бошқаруви янада такомиллаштирилишига доир тизимли ўзгаришларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси учун республика бюджетидан 194 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланмоқда.

**ЎзХДП** ва "**Адолат**" СДП фракциялари томонидан билдирилган тақлифга мувофиқ эса оғир вазиятга тушган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш учун Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондига қўшимча 67 млрд. сўм маблағ ажратилганидан бўлди.

**Ўзбекистон Экологик партияси** фракцияси томонидан глобал экологик вазиятни яхшилашда муҳим аҳамият касб этувчи Оролбўйи минтақасида ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни молиялаштириш учун билдирилган тақлиф қанотлантирилиб, бунинг учун 24 млрд. сўм маблағ ажратилмоқда.

Муҳокамаларга бой бўлган мажлисида иж-

тимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича кўтарилган масалаларга ҳукумат томонидан тузилган ишчи гуруҳ ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар маъсул ходимлари ойдинлик киритишди.

Халқ вакиллари бюджетдан ажратилаётган маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланиш борасида давлат органлари ва ташкилотларнинг маъсулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирдилар. Шунингдек, парламент ва депутатлик назорати олиб борилиши лозимлиги таъкидланди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Бюджет жараёнлари такомиллаштирилмоқда

Депутатлар бюджет тизими ва бюджет жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда модда-модда муҳокама қилди.

Ушбу қонун лойиҳаси бюджет даромадлари таркибини мувофиқлаштириш, халқаро тажрибаларни инobatга олган ҳолда Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот турларини кенгайтириш, бюджет тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлашга қаратилган.

Лойиҳа билан Давлат бюджетига доир барча ҳисоботлар Қонунчилик палатасига фақат Бюджет кодексига белгиланган аудит хулосаси билан бирга киритилиши, шунингдек, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни Хисоб палатасининг теозор хулосаси билан бирга Қонунчилик палатасига тақдим қилиниши назарда тутилганлиги депутатлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, лойиҳада бюджет буюртмачилари томонидан молиялаштириш манбалари ва микродорлари аниқ бўлмаган шартномалар тузиш ва тегишли тартибда Фазначилик органларида рўйхатдан ўтмаган шартномалар бўйича товарларни қабул қилиб олиш ҳолатларига барҳам берувчи нормалар акс этганлиги коррупциявий омилларнинг олдини олишга йўл очилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ундаги нормалар депутатлар билдирган тақлиф ва тавсиялар асосида такомиллаштирилди. Хусусан, лойиҳада ўрта муддатли давр учун фискал стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида умумий фискал баланс прогнозлари ҳисобга олинишини назарда тутувчи норма киритилди.

Халқ вакиллари фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда фуқароларни бюджет жараёнига кенг жалб этиш имкониятларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимлашда шаффофликни таъминлаш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар

Мажлисида "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2026 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилди.

Лойиҳада Президентининг тадбиркорлар билан ўтказган очик мулоқоти доирасида кўтарилган масалалар, Солиқ кодексининг нормаларини Жаҳон савдо ташкилотининг битимлари ҳамда Хорижий инвесторлар кенгашида илгари сурилган ташаббуслардан келиб чиқиб мувофиқлаштириш кўзда тутилган.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар берган тақлифлар асосида унга айрим ўзгаришлар киритилди. Хусусан, солиқ тўловчилар томонидан бир нечта солиқ ҳисоботлари ўз вақтида топширилмаганда умумий битта жарима қўлланилишига оид норма Мазмури ҳаво-гарлик тўғрисидаги кодекс талабларига мослаштирилди.

Шунингдек, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги томонидан намунавий агротехник харита маълумотларини солиқ органларига электрон шаклда ахборот тизимлари орқали тақдим этишига оид норма такомиллаштирилди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига лазерли текисланмаган суғориладиган ерларда фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича солиқ ставкаларини ошириш ваколатини бериш юзасидан киритилаётган норма лазерли текислаш ишлари вақт ва харажат талаб қилиниши ҳисобга олган ҳолда аниқликлар билан бойитилди.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларга экспорт қилишни кен-

гайтириш, "яширин иқтисодиёт"ни қисқартириш, аҳолининг даромадларини ошириш ҳамда ҳудудларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Умуммиллий тотувликни таъминлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси раиси Қ. Сариевнинг "Мамлакатимизда умуммиллий тотувликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилмоқда. 157 та миллий маданий марказ мамлакатимиз маданий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Миллий маданий марказлар томонидан ҳар йили Ватан ҳимоячилари кўни, Халқаро хотин-қизлар кўни, Наврўз, Мустақиллик, Ўқитуви ва мураббийлар кўни, Конституция кўни каби умумхалқ байрамлари кенг нишонланади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда яшаётган турли миллатлар ва элатларга хос бўлган "Сабантуй", "Чуқусок", "Охи", "Дервиза", "Ковун сайли" каби миллий байрамлар кенг кўламли таъкил этилмоқда. Ушбу тадбирлар миллатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, миллий анъаналарни асраб-авайлаш ҳамда ёш авлодга етказишда муҳим майдонга айланди.

Мажлисида қайд этилганидек, ҳар йили 30 июль — Халқлар дўстлиги кўни муносабати билан бутун мамлакатимиз бўйлаб бир hafta давомида "Дўстлик" фестивали, шунингдек, 16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик кўни муносабати билан "Бағрикенглик ҳафталиги" кенг нишонланди. Бу йил ушбу фестивалларда 700 мингдан ортиқ фуқароларимиз, шу жумладан, турли миллат ва конфессияга мансуб аҳоли вакиллари фаол қатнашди.

Бундай байрамлар доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқидий учрашувлар, хунармандчилик ва халқ амалии санъати кўргазмалари, миллий ўйинлар ва спорт мусобақалари, "Дўстлик оҳанглари", "Ўзбекистон — бағрикенг дивё" номли концерт дастурлари, хорижий экспертлар иштирокида халқаро конференциялар ўтказилди. Буларнинг барчаси нафақат ҳар бир миллатнинг ўзига хос маънавий меросини тарғиб этиди, балки мамлакатимиздаги дўстлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат фазилатларини янада кучайтиришга, умумий маданий муҳитнинг бойлишига хизмат қилмоқда.

Мажлисида айтилганидек, октябрь ойи Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитада миллий маданий марказлар билан бирга "Ўзбек тили ойлиги" деб эълон қилинди. Ушбу ойлик доирасида қўмита томонидан турли миллат ва элатлар вакиллари ўртасида "Ўзбек тилига бағишланган энг яхши шеър ижросиси" ва "Ўзбек тилида ижро этилган энг яхши кўшиқ" номли танловлар ўтказилди.

Ўзбек тилини оммалаштириш бўйича флешмоблар ўтказилиб, тарғибот материаллари тайёрланди, интервьолар ташкил қилинди. Умуммиллий бирдамлик шаҳарчасида қўмита томонидан миллий маданий марказлар билан биргаликда "Ўзбек тили барчамизни бирлаштиради!" шиори остида маданий-маърифий тадбир, халқ сайли ўтказилди.

Бундан ташқари, 44 та дўстлик жамияти ҳамда хорижий давлатларнинг 76 та ҳудуди билан мамлакатимиз вилоятлари ва шаҳарлари ўртасида ўрнатилган биродарлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида халқ дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда.

Ушбу ҳамкорлик нафақат халқлар ўртасида дўстлик ва ишончини кучайтиришга, балки ҳудудларимиз ва хорижий шериклар ўртасида иқтисодий, инвестициявий ҳамда гуманитар муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Хорижий давлатлардаги 100 дан ортиқ ўзбек диаспораси ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларни Ўзбекистон билан мустаҳкам боғлашга, уларнинг миллий ўзлиқни сақлаб қолишига ва салоҳиятини Ўзбекистон тараққиётига йўналтиришга қаратилган чора-тадбирлар олиб боририлмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан ушбу йўналишдаги ютуқлар билан бир қаторда соҳада амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш, умуммиллий тотувликни, дўстлик ва бирдамликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасида давлат органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш масалалари юзасидан тақлиф ва тавсиялар берилди.

Мажлисида Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита раисининг ахбороти юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Вазир ахбороти эшитилади

Депутатлар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б. Зоҳидовнинг "Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида 2025 йилнинг ўтган даври давомида амалга оширилган ишлар тўғриси-

да"ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган камбағалликни қисқартириш, иш ўринларини яратиш, меҳнат бозорини ислоҳ қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг турмуш шартини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги "Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида"ги Фармони тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.



Мазкур ҳужжат билан ҳар бир фуқарони ўзи ва фарзандлари келажаги учун масъулият билан ёндашишга ундайдиган ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратишга қаратилган "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури тасдиқланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 4 октябрдаги ҳамда шу йил 17 январдаги тегишли қарорларига асосан аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш, касбухонага ўқитиш ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали камбағалликдан чиқариш вазибалари белгиланиб, йил якуни билан 5,2 миллион аҳолини иш билан банд этиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларидаги учрашувлари ҳамда ҳудудларда ўтказилаётган назорат-таҳлил тадбирлари давомида соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган айрим масалалар мавжудлиги аниқланди.

Шундан келиб чиқиб мажлисида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг ахборотини эшитиш бўйича қарор қабул қилинди.

Ривожлантириш дастурлари ижроси кўриб чиқилди

Мажлисида Соғлиқни сақлаш вазири А. Худобердиннинг "Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича қабул қилинган ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларнинг ижроси тўғрисида"ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ўртача умр қўшимчи 1995 йилдаги 69,1 ёшдан 2017 йилда 73,7 ёшга етди. 2025 йилда эса бу кўрсаткични 74,8 ёшга етказиш режалаштирилган.

Президентимизнинг "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини амалга оширишга оид Фармонига мувофиқ жорий йилда оналар ўлими кўрсаткичи 12,5, гўдақлар ўлими 7,5 ва беш ёшгача болалар орасидаги ўлим 10 промилега камайтирилиши белгиланган.

Шу билан бирга, онкологик, юрак-қон томир ва диабет каби эрта ўлим улуши юқори бўлган касалликлар бўйича эрта ўлим кўрсаткичларини пасайтириш вазифалари қўйилган. Таҳлиллар эса белгиланган мақсадларга эришиш учун қўшимча чора-тадбирлар зарурлигини кўрсатмоқда.

Мажлисида шундан келиб чиқиб Соғлиқни сақлаш вазирининг ахборотини эшитиш бўйича қарор қабул қилинди.

Ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш — долзарб масала

# ГЛОБАЛ ТЕХНОЛОГИЯ ВА НАВҚИРОН АВЛОД

Яқинда Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган сунъий интеллектга бағишланган халқаро форум нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақанинг рақамли келажаги учун муҳим воқеага айланди. Президентимиз иштирокида ўтган тантанали очилиш маросимида юртимиз ёшлари томонидан ишлаб чиқилган инновацион лойиҳалар, илгор стартаплар ва технологик ташаббуслар намойиши барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Сунъий интеллектни миллий ривожланиш драйверига айлантириш, миллий инновацион ишланмаларни халқаро майдонга олиб чиқиш, янги стартапларни амалиётга жорий этиш бугунги кунда давлат сиёсати ва ёшлар дастурининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланган. Форумда билдирилган ташаббуслар ҳам айнан ана шу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди.

**Лайло АСЛАНОВА,**  
**Олий Мажлис Сенати хузуридаги**  
**Ёшлар парламенти раиси:**


— Глобаллашув жараёнлари шиддатли кечаётган асримизда ахборот технологиялари ва рақамлаштириш ҳар бир мамлакат тараққиёти ҳамда истиқболнинг асосий мезони ўлароқ намоён бўлаётгани айтиш ҳақиқат.

Юртимизда ҳам ушбу соҳа кундан-кунга ривож топиб, унда ёшларнинг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Эртаимиз эгаларининг замон ва ҳаёт билан ҳамнафас голяри улуг аждодларимизнинг бир замонлар амалга оширган ишлари ва кўзлаган мақсадларига тамомила уйғундир.

Форум доирасида давлатимиз раҳбари иқтидорли ёшлар билан мулоқот қилиб, у ерда тақдим этилган турли соҳаларга оид инновацион ишланмалар Ўзбекистонда шаклланаётган замонавий рақамли экотизим ҳамда амалга оширилаётган ислохотларнинг реал самараси эканини ургўлади.

Дарҳақиқат, сунъий интеллект эндиликда фақат айрим соҳалар учун эмас, балки иқтисодиётнинг барча тармоқлари, давлат бошқаруви ва кундалик яшаш тарзимизга чуқур кириб келаётган фундаментал омилга, ҳаётий заруратга айланмоқда.

Биз, Ёшлар парламенти аъзолари сифатида сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши миллий қонунчиликка янги ёндашувлар ва ҳуқуқий механизмлар жорий этилишини талаб қилаётганини тушунамиз. Шу боис ёшлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унинг хавфсиз, ахлоқий ва жавобгарлик мезонларига мувофиқ қўлланилишини таъминлаш бўйича аниқ тақлиф ва ташаббуслар ишлаб чиқмоқдамиз.



## Фикр

**Сарварбек САЪДУЛЛАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Рақамли**  
**технологиялар вазирлигининг**  
**Сунъий интеллект технологияларини**  
**ривожлантириш департаменти**  
**бошлиғи:**

— Бугун дунёда сунъий интеллект технологиялари аллақачон иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва бошқа муҳим йўналишларда асосий воситага айланиб бўлган, десак, адашмаймиз.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу соҳада тизимли ислохотлар амалга оширилиб, мамлакатимиз сунъий интеллектни татиқ этиш бўйича халқаро рейтингда янада юқорилади. Албатта, бу натижалар соҳада қўйилган илк қадамлар самараси, аммо олданда ҳали бажарилиши керак бўлган ишлар кўп. Шу мақсадда ўтган йили Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси қабул қилиниб, вазирлигимиз хузурида махсус марказ ташкил этилди. Стратегия ижроси доирасида 3 мингдан зиёд давлат ташкилотлари ходимларининг сунъий интеллект бўйича малакаси оширилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида қиймати 1 млн. АҚШ доллари бўлган замонавий кичик суперкомпьютер ишга туширилди. Бугунги кунда эса ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида катта суперкомпьютерни харид қилиш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, сунъий интеллектни таълим тизимига жорий этиш, ўқувчиларни қайта тайёрлаш, мактаб ва университетларда соҳа бўйича саводхонликни ошириш дастурлари ижрода. Мактаблар ва олий таълим муассасалари ўқув дарсликларига сунъий интеллект мавзуларни киритилмоқда. Эътибор беринг, стратегия билан 2024/2025 ўқув йили учун “Сунъий интеллект” йўналишида кадрлар тайёрлаш бўйича жами 14 та олий таълим муассасасида 2089 та квота ажратилган бўлса, Президентимиз



**“Стратегия ижроси доирасида 3 мингдан зиёд давлат ташкилотлари ходимларининг сунъий интеллект бўйича малакаси оширилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида қиймати 1 млн. АҚШ доллари бўлган замонавий кичик суперкомпьютер ишга туширилди.”**

риш кўзда тутилган. Яъни эндиликда ёшларимизга мактабдан ташқари ҳам сунъий интеллект билан ишлаш кўникмалари ўргатилади. Мактаблар ўртасида ҳар йили сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап голяри бўйича танлов ўтказиш тизими йўлга қўйилади. Соҳадаги истиқболли ёшларни аниқлаш ва уларни қўшимча рағбатлантириш мақсадида “Сунъий интеллект бўйича Президент танлови” ташкил этилади. Чекка туманлардан тортиб, республика даражасига ҳар йили 100 нафар иқтидорли ёшлар саралаб олиниб, АҚШ, Бирлашган Араб Амириклар, Европа мамлакатларининг илгор технология компанияларига стажировкага юборилади. Сирасини айтганда, форумда билдирилган ҳар бир ташаббуш ва гоё сунъий интеллект соҳасидаги ишларимизни янада жонлантиради, юртимиз эртаси ва фаровон ҳаётимиз учун хизмат қилади.

**Ҳабибуллоҳ ХАЛЛОКОВ,**  
**«Kagmon AI» стартапи асосчиси**  
**ва раҳбари:**

— Ушбу форумда ўндан ортиқ давлатларда фойдаланувчилари мавжуд бўлган “Kagmon AI” стартапимизни тақдим этдик. Бу шахсий молияни сунъий интеллект орқали бошқаришни енгиллаштирадиган платформа ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, форумда қатнашимиз мен учун муҳим тажриба майдони бўлди. У ерда сунъий интеллект борасидаги сўнги ишланмалар, стартаплар ва рақамли иқтисодиётдаги янги тенденциялар билан танишдик. Энг муҳими, давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда ёшлар ва стартаплар учун яратилаётган имкониятлар бизни беҳад қувонтирди.

Хусусан, суперкомпьютер кластери ташкил этилиши, ёшларни халқаро стажировкаларга юбориш каби ташаббуслар лойиҳа-



мизни глобал даражага олиб чиқишдаги голяриимизга куч беради. Шунингдек, Президентимизнинг ҳар йилнинг ноябрь ойини “Ёшлар учун сунъий интеллект ойлиги” деб эълон қилиш ва доимий равишда “Ипак йўли сунъий интеллект форуми”-ни ўтказиб бориш ҳақидаги ташаббуслари мен каби стартаплари билан қатнашаётган ёшларни янада руҳлантиради.

Форумда сунъий интеллектнинг нафақат технология, балки иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга таъсири ҳам яққол намоён бўлди. Биз учун энг фойдали жиҳат тажриба алмашиш ва стартапни кенг аудиторияга танитиш имконияти бўлди. Ушбу янгиликлар инновацион ишланмаларимизни янада ривожлантириш ва глобал миқёсда рақобатлашиш бўйича янги мақсадлар белгилашга туртки берди. Умуман, форум сунъий интеллект соҳасида ишлашга бўлган иштиқимни янада оширди.

**Сафихон АБДУСАТТОРОВ,**  
**Тошкент шаҳридаги Инҳа университети**  
**талабаси:**

— Ўзбекистон замонавий технологиялар истеъмолчиси эмас, балки яратиб, экспорт қилувчи давлат бўлиши керак деган гоёни мамлакатимизнинг келажақ стратегияси, деб биламан. Бу чарқирқ, айниқса, биз, ёшлар зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки рақобат қучайиб бораётган дунёда Ватанимизнинг тараққиёти, аввало, бизнинг билимимиз, интилишимиз ва ташаббусимизга боғлиқ.

Президентимиз таъкидлаганидек, 2030 йилга қадар 4 млн. 750 минг ўқувчи ва талаба, 150 минг ўқувчи ва 100 минг давлат хизматчиси сунъий интеллект бўйича ўқитилади. Менимча, сунъий интеллектнинг мактаб, касб-ҳунарга ва олий таълим тизимларига тўлиқ интеграция қилиниши мамлакатимизда технологик тараққиётнинг мутлақо янги босқичини бошлаб беради. Бу жараёнда биз, ёшлар энг асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланишимиз керак.

“5 миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасида ўзимни амалий лойиҳалар ярата оладиган ёш етакчилар сафига кўраман. Айниқса, “NVIDIA” билан суперкомпьютер кластери яратилиши ва Кремний водийсида Миллий трансфер офисининг ишга туширилиши биз, талабалар учун мутлақо янги имкониятлар эшигини очди. Бу ўзбек талабаси учун глобал илм-фан билан ёнма-ён ўқиш имкони, демасдик.

Мактабларга IT-лабораторияларнинг кириб келаётгани эса технологик келажақни бугундан кура бошлади. Назария амалиётга айланиди, ўқувчилар ёшлигидан робототехника, дастурлаш ва сунъий интеллект билан ишлашни ўрганади. Бу IT-таълим сифатини сезиларли оширади ва келажақда кучли мутахассислар авлодини шакллантиради.

Сунъий интеллектни ўрганаётган талаба сифатида ишонч билан айта оламани, ёшларнинг интилиши, тез ўрганиши, меҳнатсеварлиги ва янги технологияларга очкилиги бизнинг энг катта устунлигимиздир. Ўзбекистон ёшлари бугун жадал ривожланаётган глобал технология майдонига муносиб ўрин эгаллашга тайёр.



**Муфаззал КОБУЛОВА,**  
**Тошкент шаҳридаги**  
**Инҳа университети**  
**талабаси:**

— Дастурлашга қизиқишим кечроқ бошланган бўлса-да, ҳозир бу соҳа ҳаётимда муҳим ўрин тутди. Форумда иштирок этиб, сунъий интеллектнинг кенг имкониятларини кўрдим ва келажагимни айнан шу йўналиш билан боғлашга ишончим янада ошди.

Агар Инҳа университетиде “AI лабораторияси” ташкил этилса, ўзимни чуқур билимга интиладиган тадқиқотчи сифатида кўра-

ман. Замонавий технологияларни ўрганиш, мутахассислар билан ишлаш ва амалий лойиҳаларда қатнашиш биз учун катта имконият.

Сунъий интеллектнинг аёллар ҳаётидаги ўрни ҳақида кўп ўйлайман. Сунъий интеллект диагностикаси ҳомилдорлик давридаги кузатувларни енгиллаштириши, касалликларни эрта аниқлаши ва хавф омилларини олдиндан кўрсатиши мумкин. Шунингдек, давлат хизматларидаги СИ ёрдამчилари ҳужжат топшириш ва ариза юбориш каби жа-



раёнларни онлайн ҳал қилишга имкон беради. Бу иш, ўқиш ва оилани бирга олиб бораётган аёллар учун вақтни сезиларли даражада тежайди.

Форумда давлатимиз раҳбарининг ҳар йили 100 нафар энг иқтидорли ёшни саралаб, АҚШ, Бирлашган Араб Амириклар, Европа мамлакатларининг илгор технология компанияларига стажировкага юбориш ҳақидаги тақлифлари янада кўпроқ ўз устимизда ишлаб, халқаро май-

донларда ҳам ўзбек ёшларининг салоҳиятини кўрсатиш иштиқини жўш урдириди.

Сунъий интеллектга бағишланган форум мен учун кучли мотивация бўлди. Президентимиз билан учрашувда қатнашганим, йирик лойиҳалар яратаётган ёшлар билан ҳамсуҳбат бўлганим мени янада катта мақсадлар қўйишга ундади. Келгусида соҳада янада ривожланиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ниятидаман.

**Санжар ШОМУРОДОВ** ва  
**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**  
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ЭРКИН ФИКРЛОВЧИ ЖУРНАЛИСТЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

Одатда янги чоп этилган китобни тандирдан узилган нонга муқояса қилишади. Тандирдан узилган нондан бугунги хушбўй хиди димоққа урилса, янги китобдан муаллиф тақдим этган янги фикрлар ва гоёлар шууримизга етиб боради. Тарих фанлари доктори, профессор Карим Норматовнинг “Янги Ўзбекистон бунёдкори” номли китоби ҳам шундай баҳога муносиб. Ушбу эссе-монографияда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг катъий сиёсий иродаси ва изчил, тизимли саъй-ҳаракатлари тўғрисида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар жараёнида миллий журналистикамиз олдида турган долзарб вазифалар ҳақида фикр юритилган.

## Мутолаа

Сиёсий эссе жанрига мансуб китобнинг “Муқаддима”сида мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш борасида катта натижаларга эришилаётгани, журналистика соҳаси ҳам демократик ислохотлардан куч олаётгани таъкидланган. Давлатимиз раҳбарининг: “Биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги доимо Бош қомусимиз ва қонунларимиз ҳамда Президент химоясида бўлади”, деган сўзлари миллий журналистикамизнинг жадал ривожланиши учун ишончли кафолат бўлгани қайд этилган.

Муаллиф сўнги ўн йилда Янги Ўзбекистон миллий журналистикаси ривожини таҳлил қилар экан, бу даврни шартли равишда икки босқичга ажратган: журналистика соҳасидаги ташкилий, ҳуқуқий, концептуал ислохотлар даври (2016 — 2020 йиллар) ва миллий медиамақоннинг фаол ривожланиши даври (2021 — 2025 йиллар).

Шунингдек, китоб бир-бирини мазмунан тўлдирувчи икки бобдан иборат. “Ҳақ сўз қудрати ҳар қандай атомдан кучли, таъсири” номли биринчи бобда Янги Ўзбекистонда журналистлар олдида қўйилган вазифалар, давлат ва жамиятнинг соҳа ривожига таъсири масалалари ёритилган. Муаллифнинг таъкидлашича, ҳақ сўзини очик айтиш ва ишончли ёзиш — журналистнинг бош қилиши ва вазифаси ҳамда жасорати, фўқаролик жамиятини барпо этишда эса инсон қадр-қимматини улуғлашнинг асоснегизидир.

Ҳозирги даврга келиб, интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш баробарида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, миллий блогерларимиз ҳам Ўзбекистон обрўсини, унинг имижини янада мустаҳкамлаш ишига ўз улушини қўшиб келмоқда. Дарҳақиқат, газета ва журналларимиз, телерадио каналларида ошқоралик, таҳлил ва холис танқид қучайгани, бевосита хорижий мамлакатлардан тайёрланаётган материаллар сони ортиб бораётгани амалда намоён бўлмоқда.

Кейинги йилларда соҳада изчил амалга оширилаётган демократик ислохотлар, очиклик сиёсати оммавий ахборот воситалари ходимларини руҳлантирмоқда, уларнинг фаоллашишига туртки бермоқда. Айни пайтда журналист ва блогерлар жойларда вуҷудга келган муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, ижтимоий тармоқларда эълон қилиши кенг оммалашмоқда. Энг муҳими, танқидий-таҳлилий чиқишлар, билдирилаётган тақлифлар, фикр-мулоҳазалардан сўнг кўпгаб масалаларга ечим топилиб, муаммолар ижобий ҳал этилмоқда, қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар, қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилмоқда.

Тезкорлик билан жадал ривожланаётган даврда ҳар томонлама профессионал журналист кадрларга эҳтиёж катта. Журналистика фани ўқитиладиган олий ўқув орталарида илмий салоҳият кўрсаткичлари юкса-

лаётгани, назария ва амалиётнинг уйғун ташкил этилаётгани, илмий тадқиқотчилар сафига ёшларнинг ортиб бораётгани айни мўддаодир.

Китобнинг иккинчи боби “Журналист — Ватан химоячиси, умрини бунёдкорлик ишига бағишлайди” деб номланган. Унда миллий журналистикамизнинг бугунги кундаги энг танқиди вақиллари, давлат ва жамоат арбобларининг Янги Ўзбекистон журналистикаси тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари, долзарб мақолалари тақдим этилган. Соҳага энди қадам қўйган журналистлар профессор Карим Норматов умумлаштирган иқтибосларни ўзига хос хрестоматия сифатида қабул қилиши мумкин.

Шунингдек, сиёсий эсседа янги таҳрирдagi Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оммавий ахборот воситаларига берилган ҳуқуқ ва эркинликлар батафсил таҳлил этилган.

Муаллиф фикрича, газетада босилган сўз кечаги кун ҳодисасига айланади, лекин ундаги гоёлар ҳар бир шахсининг фикрига таъсир кўрсатади. Фикрлар хилмахиллиги натижасида ҳақиқат юзага чиқади. Журналистнинг ҳар бир сўзи, энг аввало, Ватан ва халқ манфаатига хизмат қилиши зарур.

Эркин фикрловчи журналист танқид қилувчи, янгилик изловчи, алап-оқибат, яратувчи, бунёдкорга айланади. “Янги Ўзбекистон бунёдкори” китобини varaқлар экансиз, бевосита амалиётчи журналистларнинг ижодий маҳоратларига мурожаат қилинганга гувоҳ бўласиз. Бу, айниқса, ҳаётимиз кўзгуси ҳисобланмиш миллий контент ҳақидаги мулоҳазаларда аниқ намоён бўлган.

Миллий контент — дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга таъкидланган асосли химоя қилиш орқали муносабат билдириш, очик ва ҳаққоний фикрларни баён этиш дегани. Миллий контент яратиш фақат айрим ташкилотларнинг вазифаси деган фикрдан айроқ бўлиш керак. Ҳар бир давлат органи ва муассасаси ўз ваколати доирасида бу жараёнда хисса қўшиши, глобал медиамақонда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаши ва ўзбек миллатининг ўзига хослигини тарғиб қилиши керак.

Профессор Карим Норматовнинг эссе-монографиясида бугунги давр, Янги Ўзбекистон миллий журналистикасининг қиёфаси, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар, шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан журналистика соҳасида сўнги йилларда амалга оширилган демократик ислохотлар тўғрисида таҳлилий фикр юритилган бўлиб, муаллиф ўз китобида қуйидаги мулоҳаза билан якун ясаган: “Давлат бошлиғи қўллаб-қувватлашлари ўлароқ, эл-юртининг барча ташкилотлари, муассасалари ҳам уйғондилар, эл севган Президентига камарбаста бўладилар, деб ишонамиз”.

**Акмал САИДОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**  
**депутати, академик.**

## Футбол

# Жаҳон чемпионатидаги рақибларимиз маълум бўлди

Кеча Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон шаҳридаги “Kennedy Center” мажмуасида 2026 йилги жаҳон чемпионатидаги қуръа ташлаш маросими катта тантана билан бўлиб ўтди. Тарихда илк бор бир йўла уч мамлакат — АҚШ, Канада, Мексика яшил майдонларида уюштирилаётган йирик мусобақада 48 та мамлакат терма жамоалари голиблик учун қуръа олиб боради.



Мундиаль келгуси йилнинг 11 июнь — 19 июль кунлари ташкил қилиниб, унда жами 104 та баҳс ўтказилади. Шимолӣ Американинг 16 та шаҳри мезбонлигида кечадагидан ўйинларга мухлислар томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз футбол иштирокчилари жаҳон чемпионатида илк бор иштирок этадиган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўйинларини интизорлик билан кутушяпти.

Жаҳон чемпионатида ўн иккита гуруҳ тўртта жамоадан иборат бўлди. Мазкур гуруҳ босқичида биринчи ва иккинчи ўрини эгаллаган жамоалар автоматик равишда кейинги босқичга чиқади. Уларга қўшимча равишда учинчи ўринни эгаллаган энг яхши сақикзта мамлакат терма жамоалари ҳам плей-оффга йўллана олади.

Ф. Каннаваро мураббийлигидаги футболчиларимиз қуръа натижасига кўра, “К” гуруҳида Португалия, Колумбия ва жаҳон 1-“плей-офф” голиби (Конго/Ямайка/Янги Каледония) билан кейинги босқич учун майдонга чиқади.

**Термаимизнинг мазкур мундиаль гуруҳ босқичидаги тақвими қуйидагича кўриниш олди.**

- 1-тур. 17 июнь | Ўзбекистон — Колумбия
- 2-тур. 23 июнь | Португалия — Ўзбекистон
- 3-тур. 27 июнь | Ўзбекистон — Конго/Ямайка/Янги Каледония

**Суннатилла ИСЛОМОВ**  
**(«Халқ сўзи»).**

2025/2026 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун қишки таътил 28 декабрдан (бошланғич синфларда 27 декабрь — шанба кунидан) бошланади.

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар: **71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.**

Таҳририятга келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг мазмунини берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100066,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.**  
Набатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.  
Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.05 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6

## Халқ сўзи Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Сенати Кенгаши**

